16 МАЙ 1991

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 91 (20. 958) 1991 йил 15 май, чоршанба ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

Фармон ва унинг ижроси

ДЕҲҚОН ДАЛАСИ МУАММОЛАРИ

Жумҳурият Президентининг қишлоқ меҳнатчиларига қўшимча ер участкалари ажратиб бериш тўғрисидаги Фармонини амалга ошириш жараёнида жуда кўп саволлар туғилмоқда. Чунки фақат томорқа учун эмас, якка тартибда уй-жой қуриш учун ҳам ер ажратиб бериляпти. Бунинг учун қурилиш индустриямиз тайёрми? Маълум бўлишича, тайёр эмас экан. Бу ҳақда олдинги материалда Қашқадарё вилоятидаги мухбиримиз ёзган эди. Аммо бу ҳамма вилоятларга хос бўлган муаммодир.

ФАРҒОНА:

УЙ-ЖОЙ МУАММОСИНИ ҚАНДАЙ ҲАЛ ҚИЛИШ МУМКИН?

Охунбобоев районида тўқиз мингга яқин ёш оила уй-жой қуриш учун ер олди. Бунинг учун районда 1346 гектар ер ажратилди. Вилоятда ҳаммаси бўлиб 143 мингдан ортиқ оила ер участкалари олди. Шубҳасиз, уларнинг кўплари уй-жой қуриш ниятида. Аммо уддалай олишармикан?

Шу савол билан Фарғона вилоят ижроия комитети раисининг ўринбосари А. Н. Шокировга мурожаат қилдик.

— «Уй-жой — 2000» дастурини бажариш учун 23 миллион квадрат метр уй-жой бўлиши зарур, — дейди у. — Ҳолбуки, 1986 йилгача уй-жойларимиз саҳни атиги 19 миллион квадрат метр эди. Ўтган йил вилоятда салкам 788 минг квадрат метр саҳнли хусусий уйлар қуриб битказилди. Бу йил 808 минг квадрат метр саҳнли уй қуриш керак. Бунинг учун йилига бир миллиард дона ғишт ишлаб чиқариш талаб қилинади. Биз эса 340 миллион дона ғишт ишлаб чиқаряпмиз.

Бундан ташқари ҳар йили 300 минг кубметр ёғочтахта, 300 минг тонна цемент, 5 миллион дона шифер, 500 миллион квадрат метр ойна талаб қилинади. Аммо ҳозир ана шу эҳтиёжларнинг атиги 15-20 фоизи қондириляпти. Янги қурилаётган уйларга газ-сув ва электр энергия келтириш учун 4,5-5 минг километр тегишли тармоқларни қуриш зарур бўлади. Бунинг учун эса минглаб километр қувур, кабель ва бошқа материаллар талаб қилинади.

Хўш, бинокорлик материаллари етишмаслиги учун қурилиш бошланмаган ерлардан қандай фойдаланилмоқда?

Бу саволга шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгалари вилоят уюшмасининг раиси С. Маҳозиев жавоб берди:

— Ажратилган ернинг 47935 гектаридан унумли фойдаланилмоқда. Бу йил ана шу ерлардан 25 минг 592 тонна турли сабзавот маҳсулотлари олинади. 636 гектар ердан унумли фойдаланилмаяпти.

ТАҲРИРИЯТДАН: Ажратилган ерлардан унумли фойдаланиш — энг ўткир масалалардан биридир. Масалан, ўтган йили ажратилган ер участкаларининг салкам 40 фоизидан фойдаланилмади. Сўнгги қарорда фойдаланилмай ётган участкаларни қайтариб олиш мумкинлиги кўзда тутилган-лиги тасодифий эмас. Бундай қилиш тўғри бўлур эди, чунки ернинг умри беҳуда ўтмаслиги керак.

САМАРҚАНД:

ҲАР ҚАРИЧ ЕРДАН ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Вилоят Президент Фармонини жумҳуриятда биринчи бўлиб бажарди. Аҳолига 30 минг гектар ер ажратиб берилди. Агар ана шу ерлардан унумли фойдаланилса, ҳисобларга кўра, қўшимча 100 миллион сўм даромад олиш мумкин.

— Биз ер участкалари беришни тўхтатганимиз йўқ, — деди вилоят деҳқончилик саноат уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари С. Остонов. — Шахсий хўжалик учун ер олишни хоҳлаган одамлар ҳозир ҳам олишлари мумкин. Фақат ерларни қаровсиз қолдирмаслик керак. Томорқа учун илгари олти сотих ер ажратиб берилган кишиларга ҳозир ёрдамчи хўжалик учун яна 19 сотихдан ер ажратиб бериляпти.

Айрим районларда ерларни тақсимлаш чоғида маълум қийинчиликларга дуч келинди. Хусусан, Самарқанд, Ургут районларининг хўжаликларида суғориладиган ерлар бошқа районлардагига нисбатан кам. Агар аҳолига 0,25 гектардан ер ажратиладиган бўлса, бу ердаги жамоа ва давлат хўжаликларини тарқатиб юборишга тўғри келади. Шу сабабли ёрдамчи хўжаликлар учун хўжаликларнинг умумий йиғилишлари қарори билан белгиланган миқдорда ер ажратилди.

Шахсий ёрдамчи хўжаликлар учун ер ажратилган пайтдан буён бир йил ичида аҳоли боқаётган қорамол 140 минг бош кўпайди. Бу дастлабки ижобий натижадир. Вилоятда шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгалари уюшмасининг тузилганлиги қишлоқ аҳлига жуда қўл келди.

ТОШКЕНТ:

ФАРМОН БАЖАРИЛМОҚДА, БИРОҚ...

— Жумҳурият Президентининг Фармонини бажариш учун биз қишлоқ меҳнатчиларига 8200 гектар суғориладиган ерларни ажратиб беришимиз лозим эди, — дейди Тошкент вилоят ижроия комитети ер тузилиши ва ер дан фойдаланиш давлат инспекциясининг бошлиғи У. С. Тўхтахўжаев. — Бу иш билан махсус комиссия шуғулланди ва асосан ишни уддалади.

Масалан, Оққўрғон районида 800 гектардан кўпроқ ер томорқа участкалари учун ажратилди. Бу эса олдин белгиланганидан бироз кўпроқ. Ана шу ерлар 837 онлага тақсимлаб берилди. Бу иш Бўка районида ҳам тугалланди. Лекин Оржоникидзе район ижроия комитетининг раҳбарлари (раиси Х. Нурматов) қишлоқ меҳнатчиларига ер участкалари ажратиш тўғрисида етарлича жон куйдирмаётирлар. Бу ерда белгиланган 270 гектар ўрнига ҳозирча 188 гектар ер тақсимлаб берилди. Ҳали районда 1152 оила ер олгани йўқ. Н. Соатов раислик қилаётган «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида етти гектар ўрнига атиги уч гектар ер тақсимлаб берилди.

Калинин районида томорқа учун 500 гектар ер ажратилгани ҳақида маълумот бор. Бироқ шаҳар яқинидаги бу районда ерни тақсимлашда бир қанча қийинчиликлар юз берди. Қишлоқ Советлари ҳудудида яшайдиган, лекин хўжаликларда ишламайдиган фуқароларга ер ажратиб бериш ишлари чўзилиб кетди. Ҳолбуки, Президентнинг Фармонига биноан улар ҳам ер олишга ҳақлидирлар. Свердлов қишлоқ Совети хўжаликлардан етти гектар, Ўртаовул қишлоқ Совети олти гектар ерни ўз вақтида ололмади.

ТАҲРИРИЯТДАН: Мухбирларимиз томонидан тайёрланган хабарлар жумҳурият Президентининг Фармонини бажариш билан боғлиқ масалаларнинг мураккаблигини ишонарли тарзда кўрсатиб турибди. Гап фақат ҳозир бинокорлик материалларн етишмаётганлигида ё бўлмаса «айрим раҳбарлар» қаршилик кўрсатаётганида эмас.

Энг муҳими ажратиб берилган ерлардан унумли фойдаланиш масаласидир. Масалан, ўтган йили участкаларнинг салкам 40 фоизи самара бермади. Шу сабабли фойдаланилмаётган участкаларни қайтариб олиб, уларни ана шу ерда меҳнат қиладиганларга топшириш тўғрисидаги қарор жуда ўз вақтида қабул қилинди.

Тешкиришда ЎзТАГ мухбирлари Р. КАМОЛОВ, Н. ОСТОНОВ, П. НИШОНОВ қатнашдилар.

Телетайп олдида Ю. БОНДАРЕНКО навбатчилик қилди.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг Фармони

ЧАКАНА НАРХЛАР ОШГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АҲОЛИ КЎРГАН ЗАРАРНИНГ ЎРНИНИ ҚОПЛАШГА ОИД ҚЎШИМЧА ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мактаб кийими ва болаларнинг бошқа кийим-кечаги чакана нархлари бир йўла ошганлиги муносабати билан болали оилаларни ва ўқувчи ёшларни ижтимоий ҳимоялашнинг қўшимча кафолатларини вужудга келтириш мақсадида ҳамда мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштириш ва танглликни бартараф этишга оид энг зарур тадбирлар тўғрисидаги қўшма баёнотга асосланиб **қарор қиламан:**

1. СССР Президентининг «Чакана нархларни ислоҳ қилиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида»ги 1991 йил 19 март Фармонида кўзда тутилган шароитларга татбиқан ўтказилаётган компенсация тўловлари (СССР халқ депутатлари съезди ва СССР Олий Советининг ахборотномаси, 1991 йил, 13-сон, 367-модда) билан бир қаторда қуйидаги миқдорларда мактаб кийими ёки болалар учун бошқа кийим-кечак йиғмасини сотиб олиш учун ҳар йили қуйидаги миқдорларда пул бериш тўғрисида СССР Вазирлар Маҳкамасининг таклифи қабул этилсин:

мактабгача ёшдаги болалар ва 13 ёшгача бўлган мактаб ўқувчилари учун — 200 сўм; 13 ёшдан ошган мактаб ўқувчилари учун, шунингдек СССР ҳукуматининг қарорларига биноан кийим-кечак ва озиқ-овқат билан таъминланмайдиган ҳунар-техника ўқув юртларининг ўқувчилари учун — 250 сўм.

2. Жумҳуриятларнинг ҳукуматларига, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия ва бошқарув идораларига табиий-иқлим шароитларини эътиборга олиб, мактабгача ёшдаги болалар учун, кундузги мактабларнинг ўқувчилари, шунингдек ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари учун кийим-кечакларнинг стандарт йиғмаларини белгилаш тавсия этилсин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 13 май.

Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат комиссиясининг раёсатида

● Узбекистон Компартияси Марказий назорат комиссияси раёсатининг навбатдаги мажлисида Жиззах вилоятининг Пахтакор районида ижтимоий адолат қондаларига риоя этилишини партиявий назорат қилишнинг аҳволини текшириш натижалари муҳокама қилинди.

Ижтимоий масалаларни биринчи навбатда ҳал этишга қаратилган ишлар билан бир қаторда райондаги партия ташкилотлари ҳамда совет ва хўжалик идораларининг коммунист раҳбарлари фаолиятида Ўзбекистон Компартияси Ҳаракат дастурининг республика меҳнаткашлари ва аҳолиси ҳуқуқлари ва манфаатларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш қисмини бажаришда жиддий камчиликлар мавжудлиги таъкидлаб ўтилди. Район партия ташкилотининг ижро ва назорат қилувчи органлари бу масалаларнинг ҳал этилиши учун раҳбар коммунистларга нисбатан талабчанликни бўшаштириб юбордилар, уларнинг иши устидан партия ва жамоат назоратининг аҳамиятига етарли баҳо бермаётирлар, ижтимоий адолатни тўла-тўкис тиклашнинг сиёсий аҳамиятини тўла тушуниб етмаяптилар.

Район партия комитети ва район партия ташкилотининг назорат комиссияси бевосита меҳнат жамоаларида ижтимоий адолат қондаларини ҳимоя қилишда бошланғич партия ташкилотлари жанговарлигини ошириш юзасидан аниқ чораларни кўрмаётирлар, умумий йиғилишларда, район партия комитетининг бюроси ва пленумларида раҳбар коммунистларнинг ҳисоботини эшитишни амалда жорий этмаётирлар. Партия идораларининг мувофиқлаштирувчи фаолияти йўқлиги сабабли кечиктириб бўлмайдиган ишлаб чиқариш муаммолари ва маиший муаммоларни тезкорлик билан ҳал этишда касаба уюшмаларининг ва бошқа жамоат ташкилотларининг комиссиялари амалда ҳеч қандай иш қилмаяпти.

Районда сўнгги вақтда уй-жой қонунларини қўпол равишда бузиш, квартира ажратиш, эҳтиёж катта бўлган молларни тақсимлаш чоғида ўзбошимчалик ва ижтимоий адолатсизлик, автомашиналарни сотиб олишда мансабдор шахсларнинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланиш ҳоллари ва бошқа камчиликлар очиб ташланганига қарамай, район партия комитетининг бюроси бундай нуқсонларга принципиал партиявий баҳо бермаган. Бундан ташқари КПСС аъзолари — уй-жой комиссиясига бошчилик қилган район ижроия комитети раисининг ўринбосари А. Холмуродов билан шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари Л. Ю. Амирова, «Оқбулоқ» давлат хўжалигининг директори П. Шерназаров, «Пахтакор» давлат хўжалигининг бош ҳисобчиси И. Абулқосимов ҳамда ўзларининг ноҳолис қарорлари ёки фаолиятсизликлари билан ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш жараёнига путур етказган бир қанча совет ва хўжалик идораларининг раҳбарлари партиявий жавобгарликдан қутқариб қолинган. КПСС аъзолари — район ижроия комитети раиси Э. Носиров ва шаҳар ижроия комитети раиси Х. Усмонов Ўзбекистон Компартияси марказий идораларининг шу масалалар юзасидан қабул қилган қарорларидан ва Ўзбекистон ССР Президентининг тегишли фармонларидан ҳали ҳам зарур хулоса чиқариб олмаганлар ва ўз ишларини қайта қурмаганлар.

Район партия ташкилоти раҳбар органлари ҳамда маҳаллий Советлар ижроия комитетлари коммунист раҳбарларининг тутган бундай йўли мансабдор шахсларнинг интизомсизлиги ва масъулиятсизлигини келтириб чиқаради, ижтимоий адолат қоидалари қўпол равишда бузилишига олиб боради, аҳолида асосли эътирозларни келтириб чиқаради ва умуман райондаги маънавий-руҳий муҳитга салбий таъсир қилади.

Марказий назорат комиссияси текшириш ўтказган пайтда вилоят партия комитети ва вилоят партия ташкилоти назорат комиссияси бошқа бир қанча район партия ташкилотлари ҳамда айрим вилоят муассасалари коммунист раҳбарларининг ишида ҳам шунга ўхшаш камчиликлар ва нуқсонларни аниқлаганлиги, улар яқин вақт ичида вилоят партия комитети бюроси ва вилоят назорат комиссияси раёсатининг кенгайтирилган қўшма мажлисида муҳокама қилинишини ҳисобга олиб, Марказий назорат комиссиясининг раёсати уларнинг илтимосини бажарди ва мазкур масалага доир мактубни Жиззах вилоят партия комитетига юборди. Вилоят партия ташкилоти назорат комиссиясининг раиси А. М. Азимовнинг ижтимоий адолат қондалари бузилишига йўл қўйган коммунист раҳбарлар, шунингдек сусткашлик ва ўзибўларчиликка йўл қўйган партия органларининг ходимлари Ўзбекистон Компартиясининг низомномасига мувофиқ қаттиқ партиявий жавобгарликка тортилади, деб ишонтириб айтган гаплари маълумот учун қабул қилинди. Кўрилган чораларни Марказий назорат комиссияси раёсатининг навбатдаги мажлисида муҳокама қилиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Раёсат Қорақалпоғистон жумҳурият, вилоят ва Тошкент шаҳар партия ташкилотлари назорат комиссияларига партия комитетлари ва халқ назорати идоралари билан биргаликда шу йилнинг май-июнь ойларида мазкур масалаларни жойларда чуқур ўрганиб чиқиб, шаҳарларда, районларда, ҳар бир меҳнат жамоасида бу ишларнинг аҳволи учун шахсий жавобгар бўлган мансабдор шахсларга нисбатан партиявий таъсирни кучайтириш чораларини кўриш, Ўзбекистон Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи котибининг аҳоли турмуш даражасини ошириш ва жумҳурият партия ташкилоти обрў-эътиборини мустаҳкамлашда ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган тегишли фармонларини амалга оширишда совет ва хўжалик идораларига фаол ёрдам беришни топширди. Мазкур масалани Ўзбекистон Компартиясининг барча назорат идораларида муҳокама қилиш тавсия этилди.

Марказий назорат комиссияси раёсатининг мажлисида КПСС XXVIII съездига ва Ўзбекистон Компартияси XXII съездига юборилган шикоят аризаларини кўриб чиқиш якунлари чиқарилди. КПСС XXVIII съезди номига юборилган 162 та шикоят аризасидан 135 тасини вилоят партия комитетлари ва вилоят партия ташкилотларининг назорат комиссиялари, қолганларини эса Марказий назорат комиссияси кўриб чиқди. 85 кишининг илтимоси қондирилди, жумладан 72 киши партия сафига тикланди, 8 кишига нисбатан уларга берилган партиявий жазо бекор қилинди ёки юмшатилди, 4 кишининг партия стажидаги узилиш олиб ташланди. Ариза берган 34 киши шахсий ишларини кўриб чиқиш чоғида шикоят аризаларини қайтариб олди, қолганлари илгари ўз хатти-ҳаракатлари ва қилмишлари билан ўз обрўларига путур етказиб, кейинчалик бошланғич партия ташкилотлари томонидан қўллаб-қувватланмаганлиги сабабли уларнинг илтимослари бажарилмай рад этилди. Ўзбекистон Компартияси XXII съезди номига келган 114 та шикоят аризасидан 54 таси қаноатлантирилди, жумладан 39 таси вилоят партия идораларининг қарорлари билан қаноатлантирилди, 33 кишининг КПСС сафига тиклаш тўғрисидаги аризаси рад этилди. Съездлар номига тушган мурожаатларнинг деярли ўндан бир қисми илгари «пахта иши» деб аталган иш юзасидан жиноий ва партиявий жавобгарликка тортилган кишиларнинг шикоят аризаларидан иборат. Улардан 20 киши КПСС сафига тикланди, ўн кишининг аризаси рад этилди.

Марказий назорат комиссиясининг раёсати мазкур масалага доир ахборотни маълумот учун қабул қилиб, Қорақалпоғистон жумҳурият, вилоят ва Тошкент шаҳар партия ташкилотларининг назорат комиссияларига Ўзбекистон Компартияси XXII съездига шикоят аризаси ёзган, лекин ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида ишнинг айрим жиҳатлари узил-кесил аниқлангунга ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида ишлари қайта кўриб чиқилгунга қадар шикоятларини кўриб чиқишдан қайтариб олган муаллифлар шахсий ишларини кўриб чиқишга зарур бўлса яна бир бор қайтишни таклиф қилди.

Коммунистларнинг бир қанча аризалари ва шикоятлари, Ўзбекистон Компартияси назорат идораларининг фаолиятига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

(ЎзТАГ).

Суратларда: 1. Жумҳурият фуқаро мудофаси аскарлари вайрон бўлган уй-жойларни тозаламоқдалар. 2. Табиий офат оқибатини бартараф этиш бўйича штаб навбатдаги ишларни белгилаяпти. 3. Жабрдийдаларга ёрдам пешма-пеш келиб турибди.

В. ТЎРАЕВ ва А. ЗУФАРОВ олган суратлар.

ЖИГАРИСТОН:

ФАЗИЛАТЛИ КИШИЛАР

Ангрен яқинидаги Жигаристон қўрғонида юз берган табиий офат натижасида шаҳид бўлган кишилар ва зарарланган оилаларнинг тақдири биргина жумҳуриятимиз меҳнаткашларини эмас, балки бутун Урта Осиё ва Қозоғистон республикаларининг барча халқларини ҳам ташвишлантирмоқда. Улар бу оғир жароҳат тез битиб кетиши учун ўзларининг мадад қўлларини узатишга тайёр эканликларини изҳор қилмоқдалар.

Кишиларимизнинг бундай фазилатлари яққол намоён бўлаётганлигини Ангрен шаҳар саноат-қурилиш банки ходимларининг олиб бораётган ҳисобкитобларида жамланаётган рақамлардан ҳам билиш мумкин. Банк бошқарувчиси Раъно Маҳкамовна Шокирова кейинги кунларда муассаса ҳисобига келиб тушган маблағлар ҳақида қуйидаги маълумотларни келтирди:

— Банкимиз ходимлари ҳар куни турли жойлардан олинаётган мадад пулларини ҳисобга олмоқдалар ва уларни Жигаристон аҳолиси шу йили кўчиб ўтадиган янги уй-жой бинолари бунёд бўлишига сарфланиши учун ажратиб бермоқдалар.

Жумҳуриятимиздаги йирик ташкилотлардан бири «Ўзбекгидроэнергострой» қурилиш трести жамоаси ҳам катта ҳиммат кўрсатди. Бунёдкорларнинг ўтказган пули 40 минг сўмдир. Тошкент шаҳридаги Киров ноҳияси саноат корхоналари ва муассасалари жамлаган пул 13 минг сўм экан. Сурхондарё вилоятидаги «Ангор» пахта тозалаш заводининг ишчилари 10 минг сўм пул юборишибди. Чирчиқ шаҳридаги босмахона матбаачилари 5 минг, Оҳангарон агропромбанки 5 минг, Шўрчи ноҳиясидаги 42-мактаб ўқувчилари 200 сўм пул жўнатишган.

Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Азиз Болтабоевнинг кўрсатган ҳиммати таҳсинга лойиқ. У Ангрен шаҳрида истиқомат қилади. Кўпни кўрган ва кексалик гаштини сураётган бир пайтда ўзига хос олижаноблик кўрсатди. У ойлик нафақаси умумий миқдоридан 100 сўм армуғон этди.

«Ташхлебпром» бирлашмаси 3 минг, «Восток» тижорат банки 5 минг, Ангрен шаҳар партия қўмитаси 2 минг, жумҳурият Дон маҳсулотлари вазирлиги 10 минг, Тошкент фан уйи 1 минг, Коммунистик ноҳиясидаги «Ленин йўли» жамоа хўжалиги 5 минг, вилоят партия қўмитаси қошидаги ижтимоий-сиёсий марказ ходимлари 500 сўм, қардош Қозоғистондаги «Туркистон» ўзбекистонлик маданият маркази 500 сўм пул ўтказдилар.

Ҳозиргача барча жойлардан олинаётган бундай қимматли мадад пулларининг умумий миқдори 300 минг сўмга яқинлашиб бормоқда. Булар барча кишиларимизнинг саховатли ва ангренликлар билан ҳамдард эканликларини кўрсатади.

А. ПУЛАТОВ.

ҚАЛАМКАШЛАР ҲИССАСИ

«Совет Ўзбекистони» рўзномаси жамоаси аъзолари Жигаристон қўрғонида рўй берган табиий офатдан зарар кўрган аҳолига ёрдам кўрсатишга қарор бердилар. Улар ўзларининг бир кунлик иш ҳақларини Ангрен шаҳар саноат-қурилиш банкининг жабрдийдаларга ёрдам махсус ҳисоб счётига ўтказадилар.

• КОММУНИСТ ВА ДАВР

БУГУННИНГ МЕЗОНИ БОШҚА

Қош қорая бошлаганда бригада партия ташкилотининг йиғилиши тугади. Боядан бери тез-тез ташқарига қараб безовталаниб ўтирган коммунистлар бир зумда тарқаб кетишди. Ахир, қишлоқчилик— ким уйида ўтин ёради, ким мол-ҳолига қарайди, аёллар эса ўчоқ бошига югуришади.

Раҳматилла кўнглида бир ҳижиллик билан ташқарига чиқди. Йиғилишда яна ўша эски гаплар: мунча ҳосил олдик, мунча сўм даромад. Калтагина маърузанинг ибтидоси рўзномадан кўчирилган. «Ишдаги камчиликлар» қисми ҳам ўша эски ашуладан иборат: фалончи аъзолик бадали тўлашни чўзиб юборди, пистончи мажлисларга кам қатнашади... Наҳотки, бригада ўрамидаги халқнинг аҳволи, тирикчилиги даражаси, дўконда нима бору, аҳоли нимага муҳтожлигининг коммунистларга дахли бўлмаса? Мияга чуқур чўкиб, қотиб қолган эскича тушунчаларни қандай ўзгартириш мумкин?

Раҳматилла билан ҳозиргина йиғилиш ўтган 10-бригада партия ташкилоти секретари Малоҳат Маърупова маҳалла четидаги кўримсизроқ хонадоннинг очиқ дарвозасидан ичкарига кириб боришди.

— Саломат хола, — деб уй эгасини чақирди Малоҳатхон. Ичкаридан жиккакина кампир пилдираб чиқди. — Хўжалигимиз парткоми котиби Раҳматилла Ҳалилов билан келдик, хола, — деди Малоҳатхон — кўзларини пирпиратиб. — Сизнинг яшаш шароитингиз билан танишмоқчилар.

Саломат буви Хакимова уларни ичкарига бошлади. Ғарибгина ҳовли. Кампир яшайдиган хонада бир ҳафтаки электр чироғи ҳам ўчиб қолибди. Уй совуқ, дераза ойналари синган. Синган ойналар ўрнига эски, титилган ёстиқларни тўсиб қўйишибди. Кесак деворли уйнинг ҳар бир бурчагидан рутубат, юракни сиқувчи фақирлик уфуради...

— 73 ёшга кирдим, — деб ҳасрат қила кетди Саломат буви. — Эрим Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлди, икки ёш болам билан 23 ёшимда бева қолдим. Шу болаларни бировга зор қилмай деб бошқа турмуш қилмадим. Ҳозир кичиги ўзим билан. Аммо унинг ҳам 7—8 нафар ёш боласи бор. Оддий колхозчининг топгани нимага ҳам етарди? Мен эса 70 сўм нафақа оламан... — Кампир аянчли жилмайиб қўшиб қўйди. — Бутун куч-қувватимиз, умримизни колхозга сарфлаб, охири шу аҳволга тушдик.

Партком котибининг юрагини уят, алам аралаш бир ғусса қамраб олди. Не аҳволга солдик биз одамларни?! Ҳамма нарса инсон учун деб жар солган, минбарларда халқ фаровонлигининг бетўхтов ўсаётганлигини исботловчи қоғозларни силкитган биз эмасмидик? Лекин замон ўзгарди. Қайта қуришнинг ҳаётбахш шамоли эса бошлади. Сохта рақамлар пардаси саробдек йўқолиб, халқ ҳақиқий ҳолни англай бошлади. Энди қандай ҳаракат қилмоқ керак? Айбдорлардек бўйин эгиб, турли норасмийларнинг таъналарига жим қулоқ тутишми ёки ўзини ҳеч нарса кўрмаганбилмаганга солиб, яна бўлғуси фаровонлик ҳақида бақириб-чақиравериш керакми?

Асло, деб кўнгилдан ўтказди Раҳматилла, биз коммунистлар халқ ичига кириб, унинг дардини бирга чекишимиз, халқ кўнглидаги орзу-истак, дарду ташвишларни илғаб олиб, уларни юзага чиқариш ва ҳал этишда ташаббускорликни ўз қўлимизга олишимиз даркор. Партия обрўйини фақат шу йўл билан тиклаш мумкин.

Эртасига Бағдод районидаги «Победа» жамоа хўжалиги партия ташкилоти йиғилишида ҳам шулар хусусида сўз юритилди. Коммунистлар Ўзкомпартия Ҳаракат дастуридан келиб чиққан ҳолда маҳаллий шароитларда иш юритиш хусусида ўз юракларидаги бор гапларни тўкиб солишди. Бефойда, юзаки, расмиятчилик учун ўтган ўнта партия йиғилишидан кўра бир муҳтож оилага зарур ёрдамни бера олсак, партия обрўйига обрў қўшган бўламиз, деб йиғилишда келишиб олинди. Хўжаликдаги 21 та цех ва бригада партия ташкилоти олдига ўз ўрамларидаги одамларнинг аҳволини суриштириш, ночор, кўпболали оилаларга, ногиронларга ёрдам бериш йўлларини излаш вазифаси қўйилди. Партия қўйи бўғинлари мана шундай оилаларни аниқлаб, уларга кўмак бериш масаласида хўжалик правлениесига мурожаат қила бошладилар. Ўтган йили муҳтож оилаларга правление 10 минг сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатди. Қарияларнинг уй-жойлари таъмирланди. Кам-нафақа оладиган кишиларга хўжалик ҳисобидан қўшимча 8134 сўм маблағ ажратилди.

Саломат буви Ҳакимованинг уйи ҳам таъмирланди. Урушда ҳалок бўлган аскар бевасининг хонадонига табиий газ ўтказилди. Моддий ёрдам кўрсатилди.

Хўжалик коммунистлари Ўзкомпартия Ҳаракат дастурининг амалий иши бўларди.

Коммунистлар ҳам, правление ҳам бу тўғри фикрни қўллаб-қувватлади. Умидага стипендия тайинланди. Ҳозир жамоа хўжалиги турли олий ва ўрта махсус билим даргоҳларида таҳсил кўраётган 31 нафар талабага стипендия тўламоқда. Уларнинг аксарияти қуйи партия ташкилотлари таклифи билан шу рўйхатга киритилган. Келгусини ўйлаган киши ўзидан катталарни ҳурмат қилади, деган экан бир донишманд. Коммунистлар қишлоқ ветеранлари, кекса партия аъзоларини ҳам тез-тез йўқлаб туриш, иззатини жойига қўйишга эътибор беришяпти. Зеро иззат қилсанг, ҳурмат кўрасан. Кекса коммунист ҳолидан хабар олиш учун ўз хонадонларига кириб келган партком котиби ва коммунист М. Йўлдошевани кўриб Н. Галиева кўзига ёш олди.

— Ўттиз йилдан буён партия аъзосиман,—деди у: — Ёшим улғайиб қолди. Бод касалига чалинганман, шу боис кўчага ҳам чиқа олмайман. Тўғри, шароитим яхши, камчилигим йўқ. Аммо сафдошларнинг меҳр-оқибатига дил ҳамиша ташна эди...

Ижтимоий-иқтисодий муаммоларни дадил кўтариб чиқиш, уларни ҳал этиш йўлларини излашда ҳам жамоа хўжалиги коммунистлари фаоллик кўрсатишяпти. Коммунист Р. Бегматов партком қизиқ бир таклиф билан келди. Илгари хўжаликда 314 гектар томорқа ерлари мавжуд эди. Ўтган йили 854 хонадонга 205 гектар янги томорқа ерлари берилди. Албатта, ҳақиқий деҳқон ернинг умрини беҳуда ўтказмайди. Бағдодлик деҳқонларнинг миришкорлиги эса юртга маълум. Демак, шу йилдан буён хўжаликда ярим минг гектардан ортиқ ер сабзавот, мева-чева билан банд. Хўжаликнинг ўзида эса 200 гектар янги боғ-роғлар ташкил этилган. Бу тахминан 17 минг тонна сабзавот, 5—10 минг тона мева етиштирилади демакдир. Албатта 17 минг киши яшайдиган ташкилотимиз ўз иш планларини қайтадан тузиб чиқди. Йиғилишларимизда ишлаб чиқариш масалалари муҳокамасини кескин камайтирдигу, аммо уни четга суриб қўйганимиз йўқ, — дейди Р. Халилов, — Қишлоқнинг ижтимоий муаммолари, ветеранлар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган оилалар, байналмилал жангчиларга ғамхўрлик, аҳоли турмушининг бошқа томонларини қамраб олувчи масалалар муҳокамасига эътиборни кучайтирдик. Масалан яқинда жамоа хўжалиги раиси С. Ҳамиджоновнинг аҳоли турмуши даражасини юксалтириш юзасидан қилаётган ишлари хусусида ҳисоботини тингладик. Одамларни уй-жой, ичимлик сув, табиий газ билан таъминлаш, болалар муассасалари қуриш бўйича жиддий ютуқларга эришилди. Ҳозиргача қишлоқларимизнинг 95 фоизи тоза ичимлик суви билан таъминланган. 2 та янги мактаб биноси қуриляпти. Мўлжалимизда яна 5 та шундай мактаб бинолари қуриш бор. Ўтган йили хўжалик учун малакали кадрлар тайёрлашга 25 минг сўм, ишловчиларни бепул иссиқ овқат билан таъминлашга 14 минг 134 сўм, 6 ёшли болаларга бепул иссиқ овқат учун 10 минг 644 сўм сарфланди. Коммунистлар ташаббуси билан хўжаликда лимонад цехи ва балиқчилик ҳавзалари ташкил этиляпти. Бунинг учун имкониятимиз бор. Чунки, ўтган йил ҳосили яхши бўлди. Хўжалик 7 миллион 905 минг сўм даромад қилди. Гап уни расамади билан, келажаги бор соҳаларга сарфлашда. Коммунистлар эса худди шу масалада фойдали, керакли фикрларни билдиряптилар. Энг муҳими, хўжаликдаги 268 нафар коммунистнинг ҳар бири қалбида халққа меҳр-муҳаббат, унинг оғирини енгил қилишга бўлган беқиёс куч-ғайрат балқиб турибди.

Раҳматилла Ҳалилов билан суҳбатдан сўнг хаёлга толдим. Яқин-яқинда ҳам қишлоқ партия комитети котиби қиёфаси бошқача эди. Катта байрам тантаналари арафасида кўча ва идораларга турли шиорлар илинишини уюштириш, партия кабинетларини доҳийларнинг фикрлари ёзилган плакатлар ва диаграммалар билан безатиш, партия ҳужжатларини пухта, бекаму-кўст юритиш, йиғилишларни ўз вақтида ва тадбирли ўтказишни таъминлаш котибнинг ишбилармонлиги мезони ҳисобланарди. Бунинг устига негадир қишлоқ парткоми котибига чорва мутасаддилиги ҳам топшириб қўйилади. Ҳазилкашлар уни чорвачиликда маҳсулот озу гап кўп бўлиши билан изоҳлашгани бежиз эмас. Бордию, хўжалик чорвачилигида ҳам ишлар кўнгилдагидек бўлса, ўша хўжалик парткоми котиби ўта ишчан, қобилиятли саналар ва унга амал пиллапояларидан юқорига интилиш учун имкон туғиларди.

Аммо бугуннинг мезони бошқа. Агар котиб халқ ташвишига ҳамдард бўлмаса, оддий инсон қалбига йўл топа олмаса, одамларнинг ўзлари уни четга суриб қўйишади. Зеро, эскича тасаввурлар тазйиқида қолган коммунист ҳам, партия ташкилоти котиби ҳам партияга обрў келтирмаслиги тайин.

Навбатдаги иш куни ҳам тугади. Аммо партком котиби хонасидаги чироқ ўчгани йўқ. Бир гуруҳ коммунистлар қишлоқ марказидан олисдаги Дашт маҳалласига ичимлик сув етказиб бериш юзасидан янги таклиф билан келишибди...

А. ИБОДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• *Президент Фармони қандай бажариляпти?*

ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНИ СУВ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТЕЗЛАШТИРИЛСИН

13 май куни Ўзбекистон ССР Президентининг «Ўзбекистон ССР қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва газ билан таъминлашни яхшилаш тўғрисида»ги Фармонини бажариш юзасидан республика Вазирлар Маҳкамаси комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Х. Жўрабеков бошқарди.

Президент Фармони қандай бажарилаётганлигини муҳокама қилишда шу ишга жалб этилган вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари, шунингдек Жиззах ва Наманган вилоят ижроия комитетларининг раислари иштирок этдилар. Мажлисда хўжалик эҳтиёжлари учун мўлжалланган ва ичимлик сув билан таъминлаш, сув қувурлари тармоқлари қуриш муаммоларига асосий эътибор қаратилди. Шу йилнинг биринчи ярмида 1265,28 километр сув қувури тармоғини ишга тушириш топшириғи бўлишига қарамай, тўрт ой ичида амалда 332,4 километр сув қувури тармоғи фойдаланишга топширилганлиги таъкидланди. Демак, топшириқни бажариш учун икки ой ичида яна деярли 933 километр сув қувури ётқизиш керак. Бу борада Қорақалпоғистон айниқса орқада қолмоқда.

Мажлис иштирокчилари сув қувури тармоқлари қуриш суръатларини тезлаштириш, қувур, арматура, анча чуқур жойлардан сув тортиб оладиган насослар ва бошқа моддий-техник ресурслар билан таъминлашни яхшилаш тадбирларини белгиладилар.

Мажлисда Қирғизистоннинг Ўш вилояти Навқат районидаги «Маданият» жамоа хўжалигини газлаштиришда амалий ёрдам бериш қандай бораётгани тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

(ЎзТАГ).

ОДАМЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Тошкентда аҳолини асосий озиқ-овқат ва ашёвий моллар билан кафолатли таъминлаш республика штабининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Ў. Қ. Исмоилов бошқарди. Мазкур штабга раҳбарлик қилиш унинг зиммасига юкланган.

Республика ҳукуматининг Андижон, Фарғона ва Сирдарё вилоятларида аҳолини озиқ-овқат ва ашёвий моллар билан кафолатли таъминлаш масалалари борасидаги фармойишлари қандай бажарилаётганини текшириш натижалари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Андижон ва Фарғона вилоятларида бу иш етарлича олиб борилмаяпти, деб таъкидланди. Маҳаллий советлар ижроия комитетларининг, савдо бошқармаларининг истеъмол бозорини барқарорлаштириш ҳамда республика аҳолисига моллар нинг белгиланган миқдорда сотилишини ташкил этиш борасидаги фаолиятида жиддий камчиликларга йўл қўйилганлиги таъкидланди.

Ўзбекистон ССР Савдо ва Дон маҳсулотлари вазирликлари, Ўзбекбирлашув раҳбарларининг аҳолини июнь ойида озиқ-овқат билан таъминлаш учун кўрилган тадбирлар тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Штаб мажлисида Тошкент вилоятида Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон ССР аҳолисига асосий озиқ-овқат ва ашёвий молларни сотишни барқарорлаштириш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги қарори корхоналар ва ташкилотларда, қишлоқ жойларда қандай бажарилаётгани ҳам муҳокама қилинди.

Мажлисда республикадаги тижорат савдосининг аҳволига жиддий эътибор берилди. Маҳаллий Советлар ижроия комитетларига аҳолига савдо хизмати кўрсатишнинг бу турини фаоллаштириб, даромадларни ёш келин-куёвларни моллар билан имтиёзли таъминлаш, шунингдек, талабалар ва ўқувчиларни овқатлантириш билан боғлиқ ҳаражатлар ўрнини қоплашга сарфлаш тавсия этилди.

(ЎзТАГ).

ИШБИЛАРМОНЛАР УЧРАШУВИ АРАФАСИДА

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримовнинг қарорига биноан шу йил 18-22 июнь кунларида жумҳурият пойтахтида ишбилармон кишиларнинг «Узаро манфаатли ҳамкорлиги учун» шиори остида халқаро учрашуви ўтказилади. Унинг мақсади «Совет Ўзбекистонининг чет мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларини кенгайтиришдан иборат.

13 май куни бўлажак амалий учрашув матбуот марказининг мажлиси бўлди. Марказ аъзолари ўртасида вазифалар тақсимлаб олинди. Журналистлар билан учрашув ўтказиш жадвали тасдиқланди.

(ЎзТАГ).

Эл дастурхонини тўкин қилиш учун деҳқонлар тиним билмай меҳнат қилишмоқда. Мақсад — эл-юртни янги ҳосилдан кўпроқ баҳраманд этиш. Бу суратларда Тошкент вилояти Калинин районидаги «Партия XX съезди» жамоа хўжалиги ҳосилхонасида шу кунлардаги меҳнат жараёни акс эттирилган. Чапда — ёш, аммо сергайрат сабзавоткор Б. Назаров. У тўрт йилдан буён суруниасига ўз зиммасидаги топшириқларни ортиғи билан адо этиб келмоқда. Ўнгда — помидорлар айни ғарқ пишган чоғи, меҳнат илғорлари Н. Тўйчиева, М. Ҳожиев ва М. Исабоевалар ҳосилни пешма-пеш теріб, ҳаридорларга жўнатишяпти. Ўртадаги суратда эса жамоа хўжалигида синаб кўрилаётган янги нав помидор.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

ИЖАРА ҚУВОНЧЛАРИ

Бўз ноҳиясидаги Навоий номли жамоа хўжалигидаги Аҳмаджон Маматожиев, Сонбжон Солижонов, Аъзамжон Фозилов бошлиқ бригадаларнинг ижарачилари ғўза парваришини уюшқоқлик билан бошлаб юборишди. Ғўза қатор ораларига ишлов бериш агротехника қоидалари асосида ташкил этилмоқда.

— Ижарачилар бирон-бир маслаҳатга муҳтож эмас. Чунки уларнинг ҳар бири ўз ишига моҳир, деҳқончиликни беш қўлдай биладиганлардан, — дейди жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси Рўзимат Зокиров. — Шунингдек, ижара пудратида ишлаш тўла мустақиллик берди. Бу йилги режа ҳам улкан— 921 гектар майдонда катта хирмон кўтаришдир.

Деҳқончилик ишларини ташкил этиш, ўғит, техника ишчи кучидан фойдаланишда жамоа хўжалиги бошқаруви раиси академик Т. Р. РАШИДОВ билан махсус мухбиримиз суҳбатлашди.

— Жамиятимиз ғоят мураккаб даврни бошдан кечирмоқда. Эндиликда маълумки, ижтимоий-иқтисодий бошқариш ва сиёсатдаги маъмурий буйруқбозлик усули таълим-тарбияга ҳам бир ёқлама ёндашувни шакллантирган эди. Оғизда, шиорларда, маърузаларда «ҳаммасини кадрлар ҳал қилади», «кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйишни такомиллаштирайлик» қабилидаги гаплар айтилди. Амалда эса илмий ечимлар амалиётга жорий этилмай кутубхоналарнинг илмий жамғармаларида йиллаб чанг босиб ётаверди. Олий ўқув юртлари талабалари сафини кўпинча анчагина истеъдодсиз ёшлар эгаллаб олишига йўл қўйилди.

Халқ таълими соҳасида мажбурий умумтаълимни жорий этиш талаби туфайли асосий эътибор ёмон ўзлаштирувчи болаларни ўртача ўзлаштирувчи ўқувчиларга тенглаштиришга қаратилди. Айни пайтда ижтидорли — маълум фан йўналишларига мойил истеъдодли ўғил-қизлар назардан четда қолди. Ҳатто қайта қуришнинг дастлабки йилларида билимдон кадрларни республика туб аҳолиси орасидан ўқитиб тайёрлаш тўғрисида деярли ҳеч ким қайғурмади. Боз устига Иттифоқнинг марказий ҳўжудларидан уялмай-нетмай «соғлом» кадрларни юбориш ўтиниб сўралди. Бу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ҳеч қайси раҳбар ҳатто беш кунлик пичан ўришга ёки олма теришга яхши ходимни юбормайди. Марказдан республикани «поклантириш» учун жўнатилган кадрларнинг нима каромат кўрсатганини бугун ҳамма билади.

Ўзбекистон Компартияси XXII съезди, Марказқўмимизнинг кейинги пленумларида бу ҳолат очиб ташланди. Жумҳуриятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши фан ва техника тараққиётига, унинг устун йўналишларини белгилашга ва энг асосийси, замонавий малака соҳиби бўлган етук ходимлар тайёрлашга боғлиқ эканлиги баралла айтилди. Бозор иқтисодиёти муносабатлари ҳам билимдон ва тадбиркор кишиларни ёқтиради. Мана шу вазифалар илмий, муҳандислик ва бошқарув ходимлари тайёрлашни мувофиқлаштирувчи комиссия тузиш ва унинг олдига бир қатор муҳим вазифалар қўйишни тақозо этди. Комиссия фаолиятининг асосий йўналишлари иқтидорли ёшларни қидириб топиш, танлаш ва тарбиялаш воситаларини ишлаб чиқиш ҳамда бу ишни амалда йўлга қўйишдан иборат. Шунингдек, биз илмий муассасалар, ўқув даргоҳлари, юқори бўғин—ижроқўмларда ишлайдиган шундай комиссияларнинг ишини пухта мувофиқлаштириб боришимиз лозим. Пировард мақсад — республика йигит-қизлари орасидан юқори малакали илмий, муҳандис ходимлар ва бошқарув кадрларини етиштиришдир.

Вазирлар Маҳкамасида шу Маҳкама Раисининг муовини Э. Самандаров раислигида бўлиб ўтган кенгашда республиканинг у ёки бу йўналиши бўйича қандай ва қанча мутахассисга муҳтожлиги, айниқса, Ўзбекистон фан-техникаси тараққиётининг устун йўналишларини белгиловчи тармоқларнинг ходимларга эҳтиёжини аниқлаш муҳимлиги уқтирилди.

— Турсун Рашидович, истеъдодли ёшларни қидириб топиш ва танлаш йўнғиғи қандай? Пешонаси Суқротча бўлса ҳам, идроки шунга яраша бўладиганини қандай ажратиб олиш мумкин?

— Жуда ўринли савол. Масаланинг энг нозик жиҳатларидан биттаси шу. Республика Президенти И. А. Каримов ва унинг ҳукумати халқимизнинг келажак тақдири ҳақида қайғуриб, эртанги кадрлар тайёрлашга катта эътибор бераётган бир пайтда муносиб шогирдларни топиш ва танлашда биз ҳамда бошқа шундай комиссияларнинг аъзолари хушёрлик билан иш кўришимиз, бу соҳада хато қилмаслигимиз лозим. Ҳукумат ҳузуридаги комиссия таркибига алоқадор вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, йирик олимлар, замонавий ишлаб чиқариш мутасаддилари киритилган. Ўйлайманки, комиссия аъзолари зиммаларидаги масъулиятни тўлиқ англаган ҳолда иш муваффақияти учун мумкин қадар барча ишларни адо этадилар.

Биз бу масалада умумтаълим ва махсус мактаблар, ҳунар билим юртлари, айниқса халқимиз асосий қисми истиқомат қиладиган қишлоқлардаги педагогика жамоаларининг ёрдамига умид қиламиз. Истеъдод қиралари, муайян фан соҳасида зеҳни йилт этган бирор ўқувчи ҳам эътибордан четда қолмаслиги лозим. Улар ҳақида вилоятлардаги комиссиялар, халқ таълими идоралари орқали хабар топишимиз, тегишли олий ўқув юртида, кейин чет элда ўқишни давом эттиришларини таъминлашимиз зарур. Бинобарин, олий мактаб ва аспирантура шогирдларининг нимага қодирлигини имкони борича эртароқ аниқлашнинг ҳам аҳамияти катта.

— Истеъдодли ёшларнинг маълум гуруҳи танлаб олинди, дейлик. Наздимда, ишнинг асосий қисми шундан кейин бошланади.

— Ҳозиргача марказий шаҳарларда кадр тайёрлаш юқоридан қуйига туширилган режага мувофиқ амалга оширилар эди. Энди бундай эмас. Республикамиз эҳтиёжи учун зарур мутахассисларни шартнома ва битимлар тузиш йўли билан тайёрлашга ўтиляпти. Асосий эътибор иқтидорли ёшларни хорижий мамлакатлардаги илғор илмий ва ўқув марказларига юборишга қаратилади. Айни пайтда хорижий тилни ўргатиш муаммоси кўндаланг бўлади. Бу борада дастлабки қадамлар қўйилмоқда. Яқиндагина Тошкент давлат дорилфунуни қошида Шарқшунослик институти ташкил қилинди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тил ўргатиш марказини барпо этишга киришган. Академия ҳузурида тил ўрганиш кафедраси фаолият кўрсатяпти. Фан-техниканинг муайян тармоғига мойил бўлган иқтидорли ёшларни танлаб олишда махсус синаб кўриш усулини қўллаймиз. Бундай синов (тестирование) усулини жорий этишга Тошкент алоқа электротехника олийгоҳида ҳозирлик кўрилмоқда.

Комиссиямиз истеъдодли ёшларни қайси хорижий мамлакатларда, айнан қайси илм даргоҳида ўқитиш имкониятларини ўрганмоқда. Албатта, биринчи навбатда ривожланган мамлакатлар— АҚШ, Буюк Британия, Франция, Япония, шунингдек, Ўзбекистон билан дўстона алоқадаги давлатлар жумладан, Туркия, Малайзияга шогирдлар юборишни мўлжаллаб турибмиз. Умумдавлат миқёсида тузилган битимларга кўра чет элларда кадр тайёрлаш умумий ҳажмидан Ўзбекистон улушини талаб қилиб олишимиз керак. Чунки, шундай тадбирларга кетадиган умумиттифоқ харажатида жумҳуриятимизнинг ҳам қонуний ҳиссаси бор, ахир.

— Дарҳақиқат, домла, ҳозир шу каби дастурларни амалга ошириш валютага бориб тақаляпти. Комиссиянгиз маблағ масаласини қандай ҳал этмоқчи?

— Албатта, катта ишга жазм этган кишининг бели бақувват бўлиши керак. Аввало республикамиз ҳукумати кадр тайёрлаш харажатининг асосий қисмини зиммасига олади. Биз, шунингдек, Улуғбек номидаги жамғарма билан муштарак мақсад ва манфаат йўлида етарли даражада ҳамкорлик қилишни мўлжалламоқдамиз. Илғор замонавий мутахассисга эҳтиёж сезаётган йирик корхона ва хўжаликлар ҳам маблағ ажратишлари лозим. Халқаро ташкилотлар, жумладан ЮНЕСКО йўли билан кадр ўқитиш имкониятлари қидирилмоқда. Ўзбекистонга хайриҳоҳ бўлган хориждаги ватандошларимиз, республикамиз дўстлари ҳам бу борада баҳоли қудрат кўмак беришларини маълум қилишмоқда.

Тан олиш керак, ҳозир республикамиз халқига қийин, раҳбариятга ҳам осон эмас. Лекин умумжаҳон илғор амалиёти босиб ўтган босқичларни эртами-кечми бошдан кечиришимизга тўғри келади. Айрим илгари ночор мамлакатлар ҳам ўз тараққиёти аввалида энг катта эътиборни айни таълим-тарбияни ривожлантиришга қаратдилар, вақт ўтиши билан тараққиётда шундай сакрашга эришдиларки, ҳозир уларга ҳамма қойил қолмоқда.

Мен истеъдодли ёшларимизга, уларнинг илмга чанқоқлигига ишонаман. Фарғоний, Беруний, Форобий, Хоразмий, Ибн Сино, Навоий, Улуғбекларнинг ҳозирги авлодлари доно аждодларимиз меросига муносиб соҳиб бўлишлари, тарихи узун илму-фанимиз шаън-шарафини муносиб ҳимоя қилишлари шубҳасиздир.

Суҳбатдош:
А. АБДУБАННОПОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

ҲАММАСИНИ БИЛИМДОНЛАР ҲАЛ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ўз қошида илмий, муҳандис ва бошқарув ходимларини тайёрлаш ишларини умумлаштирувчи комиссия тузиш ҳақида қарор қабул қилди, унинг таркибини тасдиқлади. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълими, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликларига, Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалик фанлари академияси Ўрта Осиё бўлимига, ўқув юртларига эга бошқа вазирлик ва идораларга, Қорақалпоғистон ҳукуматига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ижроқўмларига мазкур комиссиянинг бўлинмаларини ташкил этиш топширилди.

Комиссия таркибига Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти, илмий ва инженерлик жамиятлари уюшмаси республика бошқарувининг раиси Т. Р. Рашидов (раис), Ўзбекистон ССР ФА мухбир аъзоси Ш. А. Воҳидов (раис муовини), академиклар: Тошкент алоқа-электротехника олийгоҳининг ректори Ж. А. Абдуллаев, ЎзФА математика институтининг директори Т. Ж. Жўраев, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимининг раиси А. И. Имомалиев, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти М. С. Салоҳиддинов, ЎзФА раёсати аъзоси А. А. Асқаров, Кибернетика илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори В. Қ. Қобулов;

ЎзФА мухбир аъзолари: Ўзбекистон ССР олий ва ўрта махсус таълим вазири Ш. О. Алимов, Тошкент халқ хўжалиги институтининг ректори С. С. Ғуломов, ЎзФА раёсатининг бош илмий котиби М. Ш. Шарифхўжаев, Тошкент автомобиль ва йўллар институтининг ректори С. П. Пўлатов, Ўзбекистон ССР иқтисодиёт қўмитаси раисининг ўринбосари П. Х. Носиров, Ўзбекистон ССР Президентининг маслаҳатчиси Б. Н. Назаров, Биринчи Тошкент табобат олийгоҳининг ректори П. Даминов, Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятининг раиси С. У. Султонова, Ўзбекистон ахборот агентлигининг директори Э. Қ. Ҳайитбоев ва бошқа йирик олимлар, фан ва ишлаб чиқариш ташкилотчилари киритилган.

ИСТЕЪДОДЛАР, ҚАЙДАСИЗ?

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Илмий, муҳандислик ва бошқарув ходимларини тайёрлаш ишларини умумлаштирувчи комиссия раиси, ЎзФА вице-президенти, илмий ва муҳандислик жамиятлари уюшмаси бошқаруви раиси академик Т. Р. РАШИДОВ билан махсус мухбиримиз суҳбатлашди.

— Жамиятимиз ғоят мураккаб даврни бошдан кечирмоқда. Эндиликда маълумки, ижтимоий-иқтисодий бошқариш ва сиёсатдаги маъмурий буйруқбозлик усули таълим-тарбияга ҳам бир ёқлама ёндашувни шакллантирган эди. Оғизда, шиорларда, маърузаларда «ҳаммасини кадрлар ҳал қилади», «кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйишни такомиллаштирайлик» қабилидаги гаплар айтилди. Амалда эса илмий ечимлар амалиётга жорий этилмай кутубхоналарнинг илмий жамғармаларида йиллаб чанг босиб ётаверди. Олий ўқув юртлари талабалари сафини кўпинча анчагина истеъдодсиз ёшлар эгаллаб олишига йўл қўйилди.

Халқ таълими соҳасида мажбурий умумтаълимни жорий этиш талаби туфайли асосий эътибор ёмон ўзлаштирувчи болаларни ўртача ўзлаштирувчи ўқувчиларга тенглаштиришга қаратилди. Айни пайтда иқтидорли — маълум фан йўналишларига мойил истеъдодли ўғил-қизлар назардан четда қолди. Ҳатто қайта қуришнинг дастлабки йилларида билимдон кадрларни республика туб аҳолиси орасидан ўқитиб тайёрлаш тўғрисида деярли ҳеч ким қайғурмади. Боз устига Иттифоқнинг марказий ҳўжудларидан уялмай-нетмай «соғлом» кадрларни юбориш ўтиниб сўралди. Бу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ҳеч қайси раҳбар ҳатто беш кунлик пичан ўришга ёки олма теришга яхши ходимни юбормайди. Марказдан республикани «поклантириш» учун жўнатилган кадрларнинг нима каромат кўрсатганини бугун ҳамма билади.

Ўзбекистон Компартияси XXII съезди, Марказқўмимизнинг кейинги пленумларида бу ҳолат очиб ташланди. Жумҳуриятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши фан ва техника тараққиётига, унинг устун йўналишларини белгилашга ва энг асосийси, замонавий малака соҳиби бўлган етук ходимлар тайёрлашга боғлиқ эканлиги баралла айтилди. Бозор иқтисодиёти муносабатлари ҳам билимдон ва тадбиркор кишиларни ёқтиради. Мана шу вазифалар илмий, муҳандислик ва бошқарув ходимлари тайёрлашни мувофиқлаштирувчи комиссия тузиш ва унинг олдига бир қатор муҳим вазифалар қўйишни тақозо этди. Комиссия фаолиятининг асосий йўналишлари иқтидорли ёшларни қидириб топиш, танлаш ва тарбиялаш воситаларини ишлаб чиқиш ҳамда бу ишни амалда йўлга қўйишдан иборат. Шунингдек, биз илмий муассасалар, ўқув даргоҳлари, юқори бўғин—ижроқўмларда ишлайдиган шундай комиссияларнинг ишини пухта мувофиқлаштириб боришимиз лозим. Пировард мақсад — республика йигит-қизлари орасидан юқори малакали илмий, муҳандис ходимлар ва бошқарув кадрларини етиштиришдир.

Вазирлар Маҳкамасида шу Маҳкама Раисининг муовини Э. Самандаров раислигида бўлиб ўтган кенгашда республиканинг у ёки бу йўналиши бўйича қандай ва қанча мутахассисга муҳтожлиги, айниқса, Ўзбекистон фан-техникаси тараққиётининг устун йўналишларини белгиловчи тармоқларнинг ходимларга эҳтиёжини аниқлаш муҳимлиги уқтирилди.

— Турсун Рашидович, истеъдодли ёшларни қидириб топиш ва танлаш йўнғиғи қандай?

— Ҳозиргача марказий шаҳарларда кадр тайёрлаш юқоридан қуйига туширилган режага мувофиқ амалга оширилар эди. Энди бундай эмас. Республикамиз эҳтиёжи учун зарур мутахассисларни шартнома ва битимлар тузиш йўли билан тайёрлашга ўтиляпти. Асосий эътибор иқтидорли ёшларни хорижий мамлакатлардаги илғор илмий ва ўқув марказларига юборишга қаратилади. Айни пайтда хорижий тилни ўргатиш муаммоси кўндаланг бўлади. Бу борада дастлабки қадамлар қўйилмоқда. Яқиндагина Тошкент давлат дорилфунуни қошида Шарқшунослик институти ташкил қилинди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тил ўргатиш марказини барпо этишга киришган. Академия ҳузурида тил ўрганиш кафедраси фаолият кўрсатяпти. Фан-техниканинг муайян тармоғига мойил бўлган иқтидорли ёшларни танлаб олишда махсус синаб кўриш усулини қўллаймиз. Бундай синов (тестирование) усулини жорий этишга Тошкент алоқа электротехника олийгоҳида ҳозирлик кўрилмоқда.

Комиссиямиз истеъдодли ёшларни қайси хорижий мамлакатларда, айнан қайси илм даргоҳида ўқитиш имкониятларини ўрганмоқда. Албатта, биринчи навбатда ривожланган мамлакатлар— АҚШ, Буюк Британия, Франция, Япония, шунингдек, Ўзбекистон билан дўстона алоқадаги давлатлар жумладан, Туркия, Малайзияга шогирдлар юборишни мўлжаллаб турибмиз. Умумдавлат миқёсида тузилган битимларга кўра чет элларда кадр тайёрлаш умумий ҳажмидан Ўзбекистон улушини талаб қилиб олишимиз керак. Чунки, шундай тадбирларга кетадиган умумиттифоқ харажатида жумҳуриятимизнинг ҳам қонуний ҳиссаси бор,

Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотлари қўмитасидан

Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотлари қўмитаси 1992 йилги Қодирий номидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотига асарларни тақдим этиш муддати 1991 йилнинг 1 октябригача белгиланганлигини маълум қилади.

Асарларни тақдим этиш ва уларга ҳужжатлар тайёрлашда Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Қодирий (Абдулла Қодирий) номидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотлари тўғрисида Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 6 февраль қарори билан тасдиқланган Низомга амал қилиш керак.

Асарларни тақдим этиш ва уларга ҳужжатлар тайёрлаш билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

700027, Тошкент шаҳри
Ўзбекистон шоҳкўчаси, 98-уй.
ЎзССЖ Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотлари қўмитаси.
Телефонлар: 45-83-26, 45-85-20.

Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Қодирий (Абдулла Қодирий) номидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотлари тўғрисида

НИЗОМ

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1991 ЙИЛ 6 ФЕВРАЛДАГИ ҚАРОРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНГАН.

1. Қодирий номидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотлари:

адабиёт, санъат ва меъморчиликнинг йирик эпик ва монументал жанрларидаги кенг тан олинган ҳамда миллий, Умумиттифоқ ва жаҳон маданиятининг инсонпарвар анъаналари ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиш, минтақа, мамлакат ва хорижий мамлакатлар халқлари билан интеграция алоқаларини мустаҳкамлаш йўлидаги мураккаб ва кўп қиррали ҳаётий жараёнларини ёрқин ва ҳаққоний акс эттирувчи, миллий онг ва байналмилалчиликнинг ўсишига, тарихий адолатни, азалий халқ анъаналари ва урф-одатларини тиклашга ёрдам берувчи, умуминсоний қадриятларнинг устунлигини қарор топтирувчи ва Ўзбекистоннинг маънавий-ахлоқий куч-қудратини бойитувчи машҳур асарлар;

замонавий ва классик ўзбек меъморчилиги ютуқларини синтезлаштирувчи монументал меъморчилик комплексларини яратганлик; архитектура ва санъатнинг йирик ёдгорликларини таъмирлашдаги ўзига хос ёрқин ечимлар учун берилади.

2. Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Қодирий номидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотлари уч йилда бир марта ҳар бири етти минг сўмдан ўнта мукофот миқдорида берилади.

3. Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотлари қўмитасида (бундан кейин «Қўмита» деб аталади) кўриб чиқиш учун эълон қилинган, босиб чиқарилган, кўргазмага қўйилган, ССЖИ ва чет элда оммавий равишда ижро этилган, мукофотга тавсия этилишидан олдин тўрт йилдан кўп бўлмаган вақт давомида тикланган ва таъмирланган бадиий адабиёт, театр-саҳна, рақс-хореография, монументал, тасвирий, халқ ижоди ва декоратив-амалий санъат, кинематография, телевидение, меъморчилик, меъморчилик-бадиий таъмирлаш асарлари қабул қилинади.

Қўмита томонидан ишларни қабул қилиш навбатдаги мукофот бериладиган йилдан олдинги йилнинг 1 октябригача амалга оширилади. Ушбу муддатдан кеч топширилган тақдимномалар кўриб чиқилмайди ва уларни тақдим этган ташкилотларга қайтарилади.

Ҳужжатларни тақдим этиш ва расмийлаштириш тартиби Қўмита раёсати томонидан тасдиқланадиган йўриқномада белгиланади.

4. Қодирий номидаги ЎзССЖ Давлат мукофотларини олишга тақдим этиш тўғрисидаги қарор вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, ижодий уюшмалар, жамҳурият, Бутуниттифоқ ва халқаро жамоат ташкилотлари коллегиал органлари томонидан қабул қилинади.

Меҳнат, ижодий ва илмий жамоалар юқорида қайд этилган ташкилотларда кўриб чиқиш учун Қодирий номидаги мукофотни олишга номзод кўрсатиш бўйича таклиф киритиш, шунингдек, тавсия этилган асарлар ва ишларга доир ўз фикрларини Қўмитага маълум қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

5. Илгари Ленин, ССЖИ Давлат мукофотларига, бошқа Халқаро мукофотларга, ССЖИ Вазирлар Маҳкамаси мукофотларига, Навоий номидаги ва Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотларига сазовор бўлган (ёки олишга тақдим этилган) ишлар Қодирий номидаги ЎзССЖ Давлат мукофотига тавсия қилинмайди.

Айнан битта номзод биттадан ортиқ иш бўйича Қодирий номидаги ЎзССЖ Давлат мукофотига тавсия қилиниши мумкин эмас.

Халқаро, Бутуниттифоқ мукофотларини ва Қодирий номидаги Давлат мукофотини олиш учун танловларда қатнашган ва жамоатчилик маъқуллаган, аммо овоз бериш натижасида уларга сазовор бўлмаган ишлар Қўмитанинг қарорига кўра, умумий асосларда яқин орадаги икки йилда Ҳамза номидаги Давлат мукофотини олиш учун танловда қатнашишга қабул қилиниши мумкин.

Қодирий номидаги ЎзССЖ Давлат мукофоти такроран берилмайди.

6. Қодирий номидаги ЎзССЖ Давлат мукофотини олиш учун тавсия этиладиган жамоа фақат ижодий ҳиссаси ҳал қилувчи бўлган асосий муаллифларнигина киритиши керак. Талабгорлар сони 5 кишидан ошмаслиги керак.

Қодирий номидаги ЎзССЖ Давлат мукофоти Ўзбекистон ҳаёти, адабиёти, санъати ва меъморчилиги билан боғлиқ улкан ишлари учун иттифоқдош жумҳуриятлар ва хорижий мамлакатлар маданият арбобларига ҳам берилиши мумкин.

7. Қўмитада кўриб чиқишга қабул қилинган ишлар рўйхати, муаллифлари ва тавсия этган ташкилотлар номи кўрсатилган ҳолда, мукофотлар берилишидан кечи билан олти ой олдин жумҳурият матбуотида эълон қилинади.

Қўмита аъзолари тақдим этилган ишлар билан танишадилар, жамоатчилик фикрини, танқидий мулоҳазаларни, эксперт комиссиялар, мутахассислар хулосаларини умумлаштирадилар, тавсия этилган асарларни шўъбаларнинг мажлисларида муҳокама қилишади, ўз хулосаларини беришади.

8. Қодирий номидаги ЎзССЖ Давлат мукофотларини кўриб чиқишга қабул қилинган ишлар тўғрисида жамоатчиликнинг холис фикрини аниқлаш мақсадида давлат идоралари, жамоатчилик ва ижодий ташкилотлар рўзномалар ва журналлар билан биргаликда матбуотда, радиоэшиттириш ва телевизион кўрсатувларда, кўргазмаларда, жамоатчилик йиғилишларида, ижодий, илмий, ўқув ва меҳнат жамоаларида уларнинг ҳар томонлама муҳокама этилишини таъминлайдилар. Ушбу муҳокамаларнинг материаллари ўз вақтида Қўмитага топширилади ҳамда танловга тақдим этилган ишларни кўриб чиқишда ҳисобга олиниши керак.

Қодирий номидаги ЎзССЖ Давлат мукофотларини олишга тавсия этилган спектакларни, мусиқа асарларини, концерт дастурларини, кино ва телефильмларни; тасвирий санъат асарлари кўргазмаларини кўриш ҳамда тинглашни ташкил этиш, шунингдек, уларга зарур материалларни вақтида тақдим этиш тегишли ЎзССЖ Маданият вазирлиги, Ўзбекистон ССЖ Давлат телевидение ва радиоэшиттириш қўмитасига, ижодий уюшмалар ва бошқа манфаатдор ташкилотлар зиммасига юкланади.

Кўрсатиб ўтилган талаблар бажарилмаган тақдирда Қўмита ишларни кўриб чиқишдан воз кечиши мумкин.

9. Қодирий номидаги ЎзССЖ Давлат мукофотларини беришга доир таклифлар тўғрисидаги қарорни Қўмита ўз таркибининг камида учдан икки қисми иштирокида, яширин овоз бериш орқали кўпчилик овоз билан қабул қилади.

Қодирий номидаги ЎзССЖ Давлат мукофотлари Ўзбекистон ССЖ Президентининг Фармони билан берилади. Фармон 10 апрелда — Қодирий туғилган кунда жумҳурият матбуоти, радио ва телевидение орқали эълон қилинади.

10. Қодирий номидаги ЎзССЖ Давлат мукофотига сазовор бўлган кишиларга тантанали вазиятда лауреатлик дипломлари ва фахрий нишонлари топширилади.

Мукофотнинг пули муаллифлар жамоаси ўртасида баббаравар тақсимланади. Қодирий номидаги Давлат мукофоти лауреати фахрий нишони кўкракнинг ўнг томонига Ленин ва ССЖИ Давлат мукофотлари лауреатлари фахрий нишонларидан кейин тақилади.

11. Қодирий номидаги ЎзССЖ Давлат мукофоти вафот этган лауреатнинг (ёки вафотидан сўнг мукофотланганнинг) дипломи ва фахрий нишони ёдгорлик тариқасида унинг оиласига қолдирилади ёки берилади. Мукофотнинг пули Ўзбекистон ССЖнинг фуқаролик қонунида кўзда тутилган тартибда мерос қилиб берилади.

НОАНЪАНАВИЙ МАҲСУЛОТЛАР

Тошкентдаги «Зенит» заводида пойабзал тайёрлашга ўтиш ҳақида хабар тарқалди. Шунда оддий ишчи билан муҳандис ўртасида қуйидаги мазмунда суҳбат бўлиб ўтганини ҳали-ҳали эслашади:

— Энди корхонамиз пойабзал тайёрлармишми!

— Ҳа, шундай.

— Асбоб-ускуна ва эҳтиёт қисмлар тайёрлаб келган заводимиз наҳотки...

— Бунинг нимаси ёмон!

— Нимаси яхши!

Дарҳақиқат, корхона бу йил ўзи тайёрлаб чиқараётган халқ истеъмоли моллари хилини кўпайтирди. Телевизорларни масофадан туриб бошқарадиган қурилмалар, «Зафар» ўйинчоқ-компьютерлари, автоқоровуллар, уйлар учун мусиқий электр қўнғироқлар, электр ёрдамида кабоб тайёрлаш қурилмалари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу йил завод 600.000 сўмлик халқ истеъмоли буюмлари тайёрлаб беради.

Буларнинг ҳаммаси — савдодаги танқис вазиятни юмшатиш борасида кўрилаётган дастлабки тадбир. Корхона ўз ихтисослиги учун ноанъанавий бўлган — халқ истеъмоли буюмлари тайёрлаб чиқаришни тобора кенгайтиришга ҳаракат қиляпти. Бу ерда эркаклар ва хотин-қизларнинг янги урф бўлган пойабзалларини ишлаб чиқарадиган алоҳида участка ҳам ташкил этилди.

Ж. ХОЛҚОДИРОВ.

СУРАТЛАРДА: 1. Заводнинг илғор пайвандловчиси Баҳодир Хўжаев.

2. Корхонанинг пойабзал ишлаб чиқариш участкаси бошлиғи — моделчи Ольга Ершова.

А. ГОРОКРИК олган суратлар (ЎзТАГ).

• Муштарийлар мактубларини ўқиб...

ИЖТИМОИЙ КАЙФИЯТ

Тўғрисини айтиш керак: мактублар рўзнома ходимларини, халқ хўжалиги турли тармоқлари раҳбарларини ҳам кўп нарсадан огоҳ этади.

Қуйида баъзи мактублар билан Сизни таништириш ниятидамиз. Уларда муштарийларнинг кайфияти акс этган: «Қувончимиз чексиз, — деб ёзишади Пахтачи районидаги Зиёвиддин қўрғонида яшовчилар Ў. Очилов, Р. Мансуров (жами 26 имзо). — Нега дейсизми? Чунки янгидан сайланган районимиз раҳбарлари қишлоқ аҳлини иш билан таъминлаш, уларнинг турмуш даражасини яхшилаш учун бор имкониятларни ишга солишяпти. Ҳозир бизнинг қўрғонимизда бичиш-тикиш цехи ишга туширилди, ремонт-қурилиш участкаси фаолият кўрсата бошлади. Район газлаштириш идораси ходимлари қисқа муддатда 2 километр масофага газ қувурлари ўтказишди. Аралаш моллар магазини, медпункт ва бошқа маданий-маиший объектлар фойдаланишга топширилди. Энг муҳими, раҳбарларимиз халққа яқин бўлишга, уларнинг дардини тинглаб, муаммоларни биргаликда ҳал қилишга интилишяпти».

Дарҳақиқат, қайта қуриш республикамизга янгиланиш, покланиш ҳавосини олиб келди. Кўпчилигимиз мана шу ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олишга интиляпмиз. Аммо эски маъмурий-буйруқбозлик системаси тарафдорлари учун бу соф ҳаво, янгиланиш шабадаси ҳамиша ҳам маъқул келяпти, деб бўлмайди. Улар янгиликка, жамиятни ўнглаш йўлидаги саъйи-ҳаракатларимизга тўсиқ бўлиб туришибди.

Бунга мисоллар кўп. «1979 йил 15 июлда оиламизда ўнинчи фарзанд дунёга келди. Лекин турмуш ўртоғим Саодат Жумабоевага «Қаҳрамон она» унвонини беришмади. Ҳақиқат изламаб, райижроқўмга қатнадик — фойдаси бўлмади. Бу орада ўн биринчи фарзандимиз ҳам туғилди, — деб ёзади Боғот районидаги Димитров номли жамоа хўжалигида яшовчи С. Аҳмедов. — 1988 йили Ўзбекистон ССР Олий Кенгашига хат ёзгандик. Олий Кенгаш мукофотлар бўлими мудири имзоси билан ўша йили 21 декабрда 002205-сонли жавоб хати келди. Унда ёзилишича, турмуш ўртоғим С. Жумабоевага СССР Олий Кенгаши Фармонига кўра, 1980 йил 2 октябрь куни «Қаҳрамон она» унвони берилган. Бироқ қарийб 11 йилдан буён мукофотдан дарак йўқ». Ушбу хатни ўқиб, эскича одат ҳанузгача тарк этилмаганидан куюнасиз. Бундай сансалорлик, ўз вазифасига тўғраларча муносабат ҳолларини жумҳуриятимизнинг бошқа районларида ҳам учратиш мумкин.

— Биздаги эътиборсизликнинг чеки йўққа ўхшайди, — деб таъкидлайди ўз мактубида Фориш районидаги Карл Маркс номли давлат хўжалиги аъзоси Х. Этамбердиев. — Чунки давлат хўжалиги, район раҳбарларига мурожаат қилишдан натижа чиқмаяпти. Гапнинг индаллосини айтсам, хўжалигимиз ҳудудидаги кўпгина қишлоқларда 5 мингдан зиёд киши иш билан таъминланмаган. Айниқса, хотин-қизларимизга оғир. Ижтимоий-фойдали меҳнат ўз йўлига-ю, ахир оилани тебратиш учун ҳам бирон-бир жойдан даромад олиш керак-да! Боз устига бозор иқтисодиёти... дегандек. Қўшимча иш жойларини ташкил этишларини сўраб бормаган ташкилотимиз қолмади. Барчасида аввалгидек, «бажарамиз»дан нарига ўтишмаяпти.

Муаллифнинг куйинганича бор. Бозор муносабатлари шароитида аҳолини иш билан таъминлаш муаммосининг ҳал этилиши муҳим. Зеро, яшаш қийинлашиб, нарх-наво ошиб бораётган ҳозирги пайтда меҳнатга қобилиятли ҳар бир кишини иш билан банд этиш — давр тақозоси. Ўзбекистон Компартияси ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Иш билан таъминлаш» жумҳурият давлат дастурини рўёбга чиқараётган маҳаллий партия ва совет органлари жумҳуриятимизда анчагина кўпайиб бораётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. «Районимизда маҳаллий саноат комбинати ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Бироқ қисқа вақт ичида комбинат раҳбарлари анчагина хайрли ишларни амалга оширишга улгуришди, — деб ёзади Олтинкўл райони ижроия қўмитаси меҳнат ва иш билан бандлик бўлими бошлиғи Р. Усмонов. — Улар ташаббуси билан «Коммуна» жамоа хўжалигида тикувчилик цехи очилиб, маҳаллий аҳолидан 52 нафар киши ишга қабул қилинди. «Ленин йўли» жамоа хўжалигида ҳам пахтани қайта ишлаш цехи ишга туширилди. «Партия XXI съезди» жамоа хўжалигида эса тикув, ганчкорлик цехлари қурилди. Бу цехларда ишлаш учун 50 нафардан зиёд йигит-қизлар ишга таклиф этилди. Комбинат раҳбарлари йил охиригача мингдан ортиқ кишини иш билан таъминлашни мўлжаллашяпти».

Очиғи, қайта қуриш кишиларимизни ижтимоий мудрашдан уйғотди. Уларни янгича фикрлашга, инсоний қадриятларни тиклаш учун курашишга, жамият ҳаётида туб ўзгаришлар ясашга чорлади. Бироқ баъзи ҳолларда қайта қуриш берган ошкоралик, демократияни бошқача тушунган айрим кишилар гапбозликка, митингбозликка берилдилар, ҳар соҳада айбдорлар топишга интилдилар. Шу жиҳатдан Косонсой шаҳридаги 89-автокорхона ҳайдовчиси, меҳнат ветерани А. Қаландаровнинг қуйидаги мактуби эътиборли.

— Биз бугунги кунда «Қуруқ қошиқ оғиз йиртар» деган халқ мақолини кўпинча унутиб қўяяпмиз,— дейди у. — Шу боис бўлса керак, қийинчиликларимиз ортиб боряпти. Гапнинг рости, чинакамига ишлаш ўрнига қўлни қовуштириб ўтираверсак, аҳволимиз бундан ҳам оғирлашиши мумкин. Бинобарин, эндиликда қийинчиликларни бартараф этиш учун меҳнат кишиларига кенгроқ имкониятлар яратиб беришимиз, улардаги тадбиркорлик, ташаббускорлик ҳаракатларини қўллаб-қувватлашимиз лозим».

Турғунлик деб номланаётган йилларда чинакам меҳнат қилишни хоҳлаган ва шу тариқа ўз шароитини ўз ақлий ва жисмоний имкониятларидан фойдалана олишмади. Ишлаб чиқаришдаги (иш ҳақи тўлашдаги) текисчилик сиёсати ишчиларни меҳнатдан совутди, маҳсулот сифати ёмонлашди.

Айни пайтда жамиятда ижтимоий иллатлар — ҳўжасизлик, пораҳўрлик, чайқовчилик ва бошқа сабаблар кўпайиб кетди. Истеъмол бозорида тақчиллик юзага келди.

«Ўзи нима бўляпти, тушунолмайсан киши, — деб ёзади Қашқадарё вилояти Деҳқонобод районидаги Ибн Сино номли давлат хўжалиги партия қўмитаси котиби Ж. Муқимов. — Мана, 3—4 йилдирки, мамлакатимиз бир қадам олдинга силжиса, икки қадам орқага кетяпти. Илгарилари бор нарса магазин пештахталарига чиқарилар эди. Энди-чи? Давлат планлари ортиғи билан бажарилди, деймизу магазинларимиз бўм-бўш. Хўш, қани ўша «ортиқча» маҳсулотлар? Бозордаги нарх эса кун сайин кўтарилиб боряпти. Яхшиямки, республика ҳукумати мамлакатда чакана нархларнинг ислоҳ қилиниши муносабати билан Ўзбекистон ССР аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш тадбирларини кўрмоқда. Бу, бироз кўнглимизни кўтарди».

Муштарийлар хатлари— ҳаётимиз кўзгуси. Уларда бугунги кунимизнинг у ёки бу ҳолати, кишиларимизнинг ижтимоий кайфияти, жамиятимиз ютуқ ва муаммолари ўз аксини топади. Сурхондарё вилоятидан А. Раҳимов, андижонлик Ў. Холиқов, Самарқанд вилоятидан И. Усмонов, қашқадарёлик Ш. Ҳожиев ва жиззахлик А. Маматқулов сингари муштарийларимиз ҳам хатлар битишган. Уларда истеъмол буюмларининг тақчиллиги, савдодаги юлғичлик, корхоналардаги ташмачилик ва бошқа социал иллатларни тезроқ бартараф этиш, жамиятни маънавий ва аҳлоқий жиҳатдан янгилаш лозимлиги таъкидланган.

Хўш, жамиятга ва одамларга қай тарзда соғлом кайфият бахш этиш мумкин? Фақат хоҳиш-истакнинг ўзи билан бирон нарсага эришиш қийин. Бунинг учун ҳар ким ўз иш жойида баракали меҳнат қилиши, интизомсизликка қарши дадил курашиши, янгиланиш йўлидаги муаммоларни биргаликда ҳал этишга шахсий ҳисса қўшиши лозим.

А. БОЛИЕВ.

• Ёшларга эътибор

БУ МОДДИЙ МАДАДГИНА ЭМАС...

Ҳозирги иқтисодий танглик палласида жумҳуриятимизда ёшларга катта эътибор берилмоқда. Хусусан, мустақил оилавий ҳаётга биринчи бор қадам босган ёш келин-куёвларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги Президентимиз Фармони на фақат ёшларни, балки ота-оналарнинг ҳам миннатдорчилик туйғуларини уйғотди.

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарорида келин-куёвлар учун биттадан гилам ёки гилам поёндоз, битта мебель йиғмаси ёки бошқа мебель буюмларини имтиёзли равишда харид этиш имконияти берилган. Шунингдек, бу буюмларнинг харид қилиш жойлари, муддати ва тартиблари ушбу қарорда тўла ифода этилган. Ундаги асосий мақсад ширин турмуш кечирмоққа аҳд қилган келин-куёвларни моддий томондангина қўллаш эмас, балки уларга маънавий мададкор бўлишлик ҳамдир. Бундан ташқари ёшларни давримиз турмуш тарзига мос уй-рўзғор тутишга одатлантириш, оила бунёд этилган дастлабки кунданоқ унга турмуш маданиятини сингдира бориш кўзда тутилгандир.

Шундай даврда яшамоқдамизки, турмуш тарзимизни стол-стулсиз, кийим-кечак ва идиш-товоқлар учун зарур шкафларсиз, караватсиз тасаввур этолмаймиз. Лекин бундай буюмларни сотиб олишга ҳамманинг ҳам қурби етмайди. Айниқса ҳозирги бозор иқтисодига ўтиш жараёнида қиз узатиш ёки ўғил уйлантириш сарф-харажатлари ота-оналар озу-ҳаваси билан уйғунлашмай қолди. Шундай вазиятда ҳали бирор бошқа жумҳуриятда жорий қилинмаган, аммо бизда келин-куёвларга берила бошланган имтиёзлар катта эътиборга лойиқ ижобий тадбирдир, албатта. Нарх-наво баланд чўққига кўтарилган бир даврда ҳукуматимиз томонидан биринчи бор турмуш қураётган келин-куёвларга гилам ва мебель учун нархларнинг 75 фоизини қолдириб, ҳар оилага 1500 сўм чегириб сотишни жорий қилинишининг аҳамияти нақадар каттадир.

Катта мурувват ва саховат билан қабул қилинган ушбу Фармонни кенг маънода англамоқ ва шарҳламоқ лозимдир. Бу саховат ҳам миллий анъаналаримизни, ҳам урф-одатларимизни кенг маънода тўлдиради. Негаки, қадим-қадимдан бир хонадонда тўй тараддуди бўлса бутун маҳалла, уруғ-аймоқ, ҳатто меҳнат жамоаси кўмакка ошиқади. Ёш оилаларга давлатимиз паноҳ бўлиб, ёрдам қўлини чўзаётган экан, бу мурувват ана шу оилани мустаҳкамлаш, камол топтиришга хизмат қилмоғи даркор.

Очиғини айтганда, давлат томонидан берилаётган бу имтиёз ёш оиланинг моддий ва маънавий камолоти учун хамиртуруш ҳисоб, Ҳа, ҳар оилага 1500 сўмлик имтиёз дарёдан томчи, десак бўлади. Лекин жумҳуриятимиздаги ёш фуқаролар 50 фоиздан ортиқ аҳолини ташкил этишини ва ушбу имтиёз учун бир йил мобайнида ўрта ҳисоб билан уларга салкам 250 миллион сўм сарфланишини ҳисобга олсак, бу маблағ оз эмас.

Бизда иқтисодий танглик ҳукм сураётган бир пайтда бундай мададкорлик учун энг яхши миннатдорчилик белгиси — бу унумли меҳнат ва тинч-тотув турмушдир.

Ҳ. ШАЙХОВА,
профессор.

Чирой Назарова ва Маъфират Жумановаларни кўпчилик яхши танийди. Улар кўп йиллардан буён сут соғувчи бўлиб ишлаб келмоқдалар. Булунғур районидаги «Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллиги» давлат хўжалигида уларнинг номи эл оғзига тушган. Бунинг боиси бор, албатта.

Бу сут соғувчиларнинг ҳар бирига 22 бошдан соғин сигир бириктирилган. Шунинг қувончлиги, ўз ишларига фидойиликлари, масъулиятни ҳамиша ҳис этишлари туфайли йил сайин яхши натижаларга эришмоқдалар. Улар йил охиригача ҳар бош сигирдан 4 минг килограммдан ошириб сут соғиб олишга сўз беришган. Илғорлар аҳдларига яраша меҳнат қилишяпти. Агар қиш ва эрта баҳорда ҳар сигирдан 16—18 килограммдан сут соғиб олган бўлсалар, ҳозир бу кўрсаткични 25 килограммга етказишга ҳаракат қилмоқдалар. Бой тажрибаларга таяниб, ўзаро мусобақада илдам бораётган бу икки дугона ўтган йили ҳам ҳамкасблари ўртасида ғолибликни қўлдан бермаган эди. Бу йилги саъй-ҳаракатлари ҳам ана шундан дарак бериб турибди!

Т. ДАВЛАТОВ олган сурат

«Совет Ўзбекистони» материаллари изидан

«ХОМ АШЁ ҚАЧОН КЕЛАДИ»

Рўзномамизнинг шу йил 1 февраль сонида юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола босилганди. Унда Жиззах трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасига хом ашё етарли миқдорда етказиб берилмаганлиги туфайли у тўла қувват билан ишламаётгани айтиб ўтилганди. Мақола юзасидан ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТ ВАЗИРЛИГИдан [ҳозир собиқ] расмий жавоб олинди. Унда, жумладан, шундай дейилади:

— Мақола вазирлик томонидан кўриб чиқилди. Ҳақиқатан ҳам Жиззах трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасига хом ашё керагидан кам етказиб берилмоқда.

Вазирлик етишмаётган хом ашёни чет элдан сотиб олиш чора-тадбирларини кўрмоқда. Аммо ҳозир мамлакатимизда валюта етишмаслиги оқибатида чет элдан маҳсулот келтириш орқага суриляпти.

Трикотаж тақчиллигини камайтириш мақсадида бирлашма жамоаси Белоруссия ССРдаги Жодино трикотаж-тикув фабрикаси билан маҳсулот етказиб бериш бўйича ўзаро шартнома тузди.

1991 йилда Жиззах ип йигирув фабрикаси учун 3250 тонна хом ашё тайёрлаш режаси белгиланган. Бу корхона лойиҳа қувватининг атиги 66 фоизини ташкил этади, холос. Агар фабрика қўшимча ишчи кучлари билан таъминланса, бу ерда 4 минг тонна хом ашё тайёрлаш мумкин.

• «Буюк ипак йўли— мулоқот йўли»

СУРХОН ВОҲАСИДА

● Экспедициянинг навбатдаги босқичи Сурхондарё диёрида бўлиб ўтди. У ЮНЕСКОнинг «Буюк ипак йўли—мулоқот йўли» дастури асосида ўтказилмоқда. Йигирмадан ортиқ мамлакатдан экспедиция таркибига кирган олимлар, журналистлар, жамоат ташкилотларининг вакиллари ўлканинг маданият тарихи ёдгорликлари билан, аҳоли турмуши билан танишдилар.

Кўп асрлик тарихимиз Сурхон воҳасида ҳам кўпдан-кўп ажойиб ёдгорликларни қолдирган. Неча ўн йиллардан бери Москва, Ленинград, Тошкент, Самарқанд... олимлари ана шу ёдгорликларни ўрганиш билан банддирлар. Эски Термизда ана шундай ёдгорликларнинг бутун бир мажмуи жойлашган. Тадқиқотчиларнинг фикрига қараганда, эски Термиз шаҳрига бундан тахминан 2,5 минг йил илгари асос солинган. Амударё соҳилида жойлашган шаҳар майдони 500 гектардан ортиқ бўлиб, унинг таркибига қўрғон, одамлар яшайдиган шаҳрихон ва ҳунармандлар шаҳарчаси — работ кирган.

Бу ерга келган экспедиция қатнашчилари асрлар қаърига саёҳат қилиш имкониятига эга бўлдилар: улар кўҳна қўрғондан бундан 2000 йилдан кўпроқ вақт илгари мавжуд бўлган будда ибодатхонасига, шундан сўнг ал-Термизий мақбарасига, яъни, X асрнинг ғоят эътиборли олими, ҳакимийлар суфийлик жамоасининг асосчиси дафн этилган жойга бордилар. Мақбара чегарада жойлашганлиги сабабли у узоқ муддат ёпиб қўйилганди.

Меҳмонлар мусулмонларнинг бошқа бир муқаддас лудининг 1200 йиллигини нишонлаган эди. Масжид имом хатиби Нормуҳаммад Жўраев меҳмонлар билан суҳбатлашди.

Улар шундан кейин Шеробод районидаги «Гулистон» давлат хўжалигида жойлашган қадимшуносликмузейини бориб кўрдилар. У ерда бронза давридаги Сополлитепа ва Жарқўтон ёдгорликларидан экспонатлар тўпланган. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, Совет томонидан ЮНЕСКО ҳозирги экспедициясининг илмий раҳбари А. А. Асқаров ана шу ёдгорликларни тадқиқ этиш ишларига бошчилик қилмоқда. Олим меҳмонларни Жарқўтон ёдгорлиги билан таништирди, у ерда ҳозир олиб борилаётган ишлар тўғрисида батафсил гапириб берди. А. А. Асқаров раҳбарлигида кашф этилган топилма олимга шундай хулоса чиқариш имконини берди: Ўрта Осиёда аввал тахмин қилинганидан минг йил муқаддам шаҳар маданияти ташкил топган экан.

Шеробод районининг қадимий тарихи билангина донг таратган эмас. Меҳмонлар келишига халқ усталари қўллари билан тикилган буюмлар — чиройли сўзаналар, шолчалар, каштаналар, шунингдек, Шеробод бадиий сопол буюмлари заводининг маҳсулотларидан иборат кўргазма тайёрланган эди. Шеробод бадиий сопол буюмлари заводида маҳсулот тайёрлашда халқ санъатидан моҳирона фойдаланилмоқда. «Шеробод» давлат хўжалиги «Гулдаста» халқ оғзаки ижоди дастаси меҳмонларга ўз санъатини намойиш этди. Термиз дорилмуаллимида экспедиция қатнашчиси — ленинградлик олим, тарих фанлари доктори В. М. Массоннинг талабалар ҳамда муаллимлар билан учрашуви бўлди.

Экспедиция аъзолари Амударё соҳилларини бир-бири билан туташтирган дўстлик кўпригини бориб кўрдилар. Бу уларнинг Ўзбекистоннинг энг жанубий вилояти замнидаги охирги кўналгаси эди.

Шундан сўнг экспедиция Тожикистоннинг Қўлоб шаҳри томон йўл олди.

Е. ВЕЛИЧАНСКАЯ.
ЎзТАГ мухбири.

• Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Мирмуҳсин—70 ёшда •

МУРУВВАТ

Мирмуҳсинининг илк асари матбуотда кўринганига, мана, роппа-роса эллик беш йил бўлибди. Шундан бери у бетўхтов ижод этиб келади, ҳам шеърнятда, ҳам насрда баробар қалам тебратади. У тенгдошлари орасида энг сермаҳсул ижодкор: ўқувчиларга сон-саноқсиз шеърлар, ўнлаб баллада ва достонлар ҳадя этди, ўзбек совет адабиётида биринчи бўлиб шеърий роман жанрида куч синаб кўрди, болалар учун новеллалар, катталарга аталган ҳикоя, ҳажвия, қиссалар ёзди; А. Пушкин, Т. Шевченкодан таржималар қилади. У қатор романлар муаллифи.

Мирмуҳсин адабий-маданий ҳаётда ҳам фаол иштирок этиб келади. Бир қанча фурсат республика Ёзувчилар уюшмасида ишлади, сўнг «Шарқ юлдузи», «Муштум» журналларига муҳаррирлик қилди. «Қизил Ўзбекистон» («Совет Ўзбекистони») газетасида адабиёт ва санъат бўлимини бошқарди, радиода ишлади. Бир неча йилдирки, у «Гулистон»нинг бош муҳаррири.

Ёзувчининг қизғин адабий-ижодий фаолияти Ватанимиз, республикамиз ҳаётидаги зиддиятларга, алғовдалғовларга, фожиаларга тўла даврларда кечди. Очиғини айтиш керак, давр фарзанди сифатида у давр тўзонлари гирдобида гоҳо чалғиди, замонасозлик қилди, ўткинчи майлларга берилиб, омонат «ҳақиқатлар»ни қаламга олишга уринди. Бироқ ёзувчининг бахти, омади шундаки, унинг ижодий бисотида санъатнинг мангу мезонлари — ҳаққонийлик, инсонпарварлик, юксак бадиийлик талабларига дош бера оладиган жиҳатлар бор. Адиб даврнинг ҳукмрон мафкураси, бадиий ижодга оид дақиқ ақидалари талабларидан устун туриб, баъзан ўша қатъий талабларга зид бориб, реалистик адабиётнинг мўътабар анъаналарига содиқ қола олди.

Ёдимизда, бир вақтлар ёзувчилардан нуқул ҳаётнинг «нурли томонлари»ни ёритиш, воқеликни «революцион тараққиётда» кўрсатиш, ҳамиша «порлоқ истиқбол»ни назарда тутиб қалам тебратиш, «курашчан», «бунёдкор», турмушни «ўзгартирувчи» кишиларни қаҳрамон қилиб танлаш, шу йўл билан «қаҳрамонона давримиз»ни, «социалистик ҳаёт тарзи»ни улуғлаш талаб этилар эди. Бадиий асар реал ҳаёт расмий қарашларга қанчалик мос келмаслигига қараб баҳоланарди; реал ҳаёт машаққатларини қаламга олиш «икир-чикирлар» билан банд бўлиш, ҳаётни қоралаш, оддий, фақиру ҳақир одамлар образи ҳаётимиз учун нотипик деб аталар, фақиру ҳақирларга шафқат, мурувват ўтмиш адабиётининг сарқити, чунки бизда фақирлару ҳақирлар йўқ, совет адабиёти учун фақат талабчан, жанговар гуманизм хос деб қаралар эди. Ҳозир республика аҳолисининг деярли ярми қашшоқликда яшаётганлиги расмий равишда тан олинаётир. Мирмуҳсин қизғин ижод этган 40-50 йилларда бу рақам бундан ҳам кўпроқ экани, ҳатто мамлакат «ривожланган социализм» палласига кирган 60—70 йилларда ҳам қашшоқлар сони ҳозиргидан кам бўлмаганлиги аён...

Мирмуҳсин ижоддаги илк қадамларидаёқ худди ўша реал ҳаётдаги оддий, одми, қўли қадоқ меҳнаткаш, қашшоқ, фақиру ҳақирлар, забунлар куйчиси, ҳимоячиси сифатида кўрина бошлади. Бу ҳол унинг асарлари руҳида, асарларининг мавзу материалида, услуби-ифода тарзида намоён бўла борди; биринчи галда муаллифни оддий, ҳокисор, жабрдийда одамлар турмуши қизиқтиради, оддий заҳматкаш одамлар турмушини бўяб-безамай шундоғича ўз кўринишида, табиийлиги, даҳаллиги билан асарларига олиб киради. Унинг эл оғзига тушган достонлари қаҳрамонлари, ардоқли кишилари — Дўнан ҳам, Уста Ғиёс ҳам, Хаттоки афсонавий Широқ ҳам, кейинроқ яратган «Меъмор», «Темур Малик» романларининг қаҳрамонлари ҳам ўта содда, ҳокисор, одми одамлар. Айни пайтда у услуб-ифодада ҳам соддаликка интилади. Адиб сўзлари, унинг ўзи эътироф этганидек, «баъзан ёқавайрон, баъзан бош яланг». Яна у: «Дўмбирамнинг пардалари содда, қониқмаса дўстларим ҳақли», дейди. Шу эътирофнинг ўзида ҳам самимият, қандайдир софдиллик, камтарлик, ҳақиқат бор.

Шеърнятида бошланган оддий одамлар ҳаётига эътибор, ҳамдардлик, мурувват туйғуси кейинчалик унинг насрий асарларида янада кучлироқ тарзда намоён бўлди. 50-йилларнинг охирларига, 60-йилларга келиб адиб кўпроқ прозада ижод эта бошлади; насрий асарларининг мавзу-мундарижа доираси ҳийла кенгайди; замондошлари ҳаёти билан баробар ҳорижий ва тарихий мавзуларда ҳикоя, қисса, романлар яратди. Эҳтимол, бу асарлар, уларнинг одми қаҳрамонлари ҳаммага ҳам бирдек маъқул бўлмас, талабчан ўқувчиларни қаноатлантирмас. Аммо улардаги бир жиҳат китобхонни бефарқ қолдирмайди. Мирмуҳсин қаҳрамонлари «бахтли ҳаёт» нашидасидан баҳраманд беғам, беташвиш кимсалар эмас, балки ҳаёт сўқмоқларида ҳақиқат, адолат ислаб инсоний дард билан нафас олувчи кишилар.

Муаллиф замондош ватандошлари ҳаётидан сўз очадими, ҳорижий мамлакатлар — ҳинд, араб, афғон халқи турмушини қаламга оладими, Хоразмнинг мунгли ўтмиши, бухоролик меъмор, халқ баҳодири Темур Малик саргузаштларини қаламга оладими — ҳар доим қаҳрамонлар бошига тушган мусибатларни ички бир дард билан ўртаниб, ёниб ифода этади. Мирмуҳсин асарларидаги драматик лавҳалар яна бир бор шундан далолат берадики, инсонга меҳр, унинг ташвишларига ҳамдардлик, мурувват, яъни инсонпарварлик фақат санъат асарининг ғоявий йўналишига алоқадор бўлиб қолмасдан, унинг бадиий таъсирчанлигини оширадиган, ҳаққонийлигини таъминлайдиган муҳим омиллардандир.

Шуниси ҳам борки, ёзувчи қаҳрамонлари бошига тушган кулфатларни, улар ҳақидаги драматик дақиқаларни дард-алам билан қаламга олар экан, уларга шунчаки ачиниш, ҳамдард бўлиш, кўз ёши тўкиш билангина чекланмайди. Қаҳрамонлари бошига тушган мусибатлар «абаби, ҳаётий илдизлари устида ҳам бош қотиради, китобхонларни бу ҳақда ўйлашга ундайди. «Араб ҳикоялари» туркумига кирган энг яхши асарлар — «Йўқолган жавоҳир» билан «Искандария кўрфази»да адашган аёл ва йигит изтироблари ҳар қанча ҳаяжонли акс этган бўлмасин, аёл билан йигитни шу кўйларга мубтало этган ижтимоий-ахлоқий муҳит, ярамас тартибот аёвсиз фош этилади. Ёки «Жамила» қиссасида оилавий икир-чикирлар, ташвишлар исканжасида инсонлик шани, эрки топталган аёл қисмати ҳикоя қилинар экан, бу орқали муаллиф ўзбек турмушига узоқ йиллар оғу солиб келган, ҳаттоки бугунги кунда ҳам заҳри тугаб битмаган, айрим одамлар онгида ҳамон сақланиб келаётган мутелик, тобелик, итоаткорлик майллари хусусида жиддий баҳс қўзғайди.

Ёзувчига катта шуҳрат келтирган асар «Умид» романи бўлди. Роман рус ва бошқа қардош халқлар тилларига таржима этилди. «Новий мир», «Литературное обозрение», «Литературная газета» саҳифаларида ижобий баҳо олди. 1974 йили Ҳамза номли республика мукофоти билан тақдирланди. Ёзувчининг қатор ҳикоя ва қиссаларидаги етакчи қаҳрамонлар каби бу романнинг бош қаҳрамони Умид ҳам бошидан кўп оғир савдолар кечган шахс. Умиднинг, бу Ватан уруши қурбони фарзандининг етимликда ўтган болалик тарихи ғоят аянчли. Аммо унинг не-не машаққатлар билан улғайиб, ўқиб эндигина оғзи ошга етганда — катта ҳаёт остонасига қадам қўйганда чеккан кўргиликлари янада аянчли.

Умиднинг таши ялтироқ, ичи қабоҳатларга тўла ҳам илмий, ҳам оилавий муҳит гирдобидаги драмаларга тўла кечмиши ифодаси мамлакатда эндигина бошланаётган турғунлик даври маънавий инқирозларидан нишонадир. Ёзувчи қаҳрамонининг шу шалтоқ муҳит, чигал вазиятдаги руҳий ҳолатини, Умидни адаштирган, ҳиёнат ва жиноятга бошлаган руҳий ҳамда ижтимоий омилларни, энг муҳими, Умид руҳиятидаги зиддиятли жараёнларни чуқур, таъсирчан ифода этади. Рўй берган кўнгилсиз ҳодисалар учун аввало Умиднинг ўзи айбдор. У бўшлик, лақмалик қилди, бунинг учун у муносиб «жазоланади», ўз қўли билан бебаҳо ҳазинани —бахтини, севгисини, севгилисини бой бериб, чексиз пушаймон, алам, ўкинчлар оловида қоврилади. Умид аҳволини кўрган китобхон бир чеккаси Умиддан койинади, айни пайтда унга ачинади, дардига, азобига шерик тутинади. Чунки соддадил йигитни чалғитган, йўлдан оздирган қаллоблар бор. Асарни ўқиганда турғунлик муҳити етиштирган текинхўр-харомтомоқлар тимсоли — Салимхон Обидийлар муҳитига нисбатан китобхонда туғилган муносабат — ўтли нафрат Умид гуноҳини маълум даражада енгиллаштиради, китобхоннинг унга бўлган хайрихоҳлигини оширади.

Эҳтимол, ёзувчи кейинги романлари — «Дегрез ўғли», «Чотқол йўлбарси», «Илдизлар ва япроқлар», «Меъмор» ва «Темур Малик»да «Умид»дагидек бадиий мукаммалликка, таъсирчанликка, асар ғоясини пафос даражасига кўтаришга эришолмагандир. Аммо уларда ҳам эътиборга сазовор лавҳалар, эпизодлар, китобхонни ўйга толдирадиган инсоний қисматлар, саргузаштлар бор. Шулардан айримларини, чунончи «Дегрез ўғли» романидаги иккита характерли эпизодни — уруш даври қурбони — гўдак Субҳия билан мафкуравий кампания қурбони Эсон бува қисмати ҳақидаги ҳаяжонли саргузаштларни эслаб ўтсак.

Романда ҳикоя қилинган аломат қизалоқ Субҳиянинг уруш даври тўзонлари ичида ҳам отадан, ҳам онасидан жудо бўлиб қаровсиз, саргардон ҳолда ҳалок бўлиб кетиши қалбларни қаттиқ изтиробга солади. Уруш одамзод учун зўр синов бўлди. Уруш қийинчиликлари одамлардаги одамийликни, юксак фазилатларни намойиш этиш билан баробар, айрим кимсалардаги инсонийликка раҳна солди. Субҳия ўшандай кимсаларнинг эътиборсизлиги туфайли ҳалок бўлиб кетади. Бутун бир маҳалла «наҳотки шу битта қизалоқнинг қорнини тўйдириб қаролмади! Наҳотки биронта одам асраб қололмади!» дея ҳайқирали асар қаҳрамони Арслон. Шу фожиа юз берган пайтда Субҳиянинг отаси Боймат хотини ва қизининг тақдирини маҳалла ихтиёрига ташлаб қўлида қурол, окопларгаён-окопларга югуриб халқим, Ватаним деб фашистлар билан жанг қилади; унинг маҳалласидаги шундоқ эшиги эшигига рўпара қўшниси эса Субҳиянинг ҳолидан хабар олмайди, Субҳия ўлганида ҳатто тобутга ҳам яқинлашмайди.

Маълумки, уруш йиллари Тошкент шаҳрида турли миллатга мансуб ўн тўрт етим гўдакни бағрига олган Шомаҳмудовлар ҳам бўлган, бу оила жасорати қанчадан-қанча асарларда мадҳ этилган. Худди шу даврда ўша шаҳарнинг бошқа бир маҳалласида «Дегрез ўғли»даги кўнгилсиз ҳодиса ҳам рўй берган. Бу ҳам уруш даврининг реал ҳақиқати. Таниқли адабиётшунос М. Қўшжонов: «Шу воқеанинг ўзи бир асар! Бир дунё фожиа! Кўпгина болаларнинг бошига, бутун халқ бошига тушган фожианинг миниатюраси» — деганида тўла ҳақ. Ҳа, у бир дунё фожиа, бу ҳикоя ўтган уруш, уруш туғдирган қадрсизлик устидан чиқарилган ҳукм, айбнома каби янграйди...

Субҳия фожиаси — ўта мушкул, қирғинбарот уруш даври оқибати. Эсон бува фожиаси эса тинч, осойишта кунларда рўй беради. Ғаламус кимсалар, салла ол деса, калла олишга тайёр жангарилар қутқуси туфайли саксон тўрт ёшлик имон-эътиқодли чол оғир кулфатга дучор этилади: газетада Эсон бувaнинг диндан қайтгани ҳақида унинг тилидан мақола чиқарадилар. Тез орада одамлар чолдан юз ўгиради, қария эса ўзини йўқотар ҳолатга тушади. «Бу нима деган гап? Одамларнинг юзига қандай қарайман! Беш кунлик қолган умримни мажусий бўлиб ўтказаманми? Охиратда нима деб жавоб бераман? Ҳар нима деб сўксаларинг чидайман, лекин саксон тўртга борган бир чолни, одамни... имонсиз, динсиз деб ёзасанларми? Бундан кўра тириклайин ерга кўмсаларинг бўлмасмиди!», дея надомат чекади. Имон-эътиқоди, номуси, инсонлик шани топталган қария номусга чидай олмай жон таслим этади. Одамлар билан рози ризолик тилаб видолашиш ўрнига алам-ўкинч, руҳий қийноқлар ичида бу бевафо дунёдан кетади...

Бу аламли ҳикоя бугун эмас балки «жанговар атеизм» хуружи авжига минган, инсоннинг виждон эрки, имон-эътиқоди топталган 70-йилларда битилган, адиб ўша кезлардаёқ инсон виждони, имон-эътиқоди, эрки ҳимоячиси сифатида енг шимариб майдонга чиққан.

Бундай ҳаяжонли, ўқувчини ўйга толдирадиган саҳифалар адибнинг бошқа романларида ҳам талайгина. Ҳақиқий инсоний ва бадиий қадриятлар тикланаётган ҳозирги шароитда адиб бисотидаги шу хил ўринларни эслаш, тилга олиш савоб иш.

70 йиллик умри, 55 йиллик ижодий фаолияти давомида ҳаётнинг кўп пасту баландини кўрган, аччиқ-чучугини татиган тажрибали адибимиз бугун халқ дардига, оддий, камсуқум одамлар, фақиру ҳақирлар ташвишига яна ҳам яқинроқ бўлиб бормоқда, кўнглидаги забунларга шафқат, мурувват туйғуси бетиним жўш урмоқда. Яқингинада «Шарқ юлдузи»да босилган «Илон ўчи» романи шундан далолат беради.

Умарали НОРМАТОВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби.

Ушбу сурат 1988 йили Москвада, Кремлда СССР Ёзувчилар уюшмасининг VIII съезди давом этаётган кунларда олинган. Чапдан ўнгга: Сирбой Мавленов (Қозоғистон), Ҳасан Тўфон (Татаристон), Собит Мўқонов (Қозоғистон), Аали Тўқомбоев (Қирғизистон), Мирмуҳсин.

Суратқаш Э.ЧИКОВАНИ

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

СССР Алоқа вазирлиги
ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОҚА ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ
кафедралар бўйича
профессор-ўқитувчилар таркибидаги лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудир: электр қуввати билан ишлайдиган алоқа қурилмалари;

доцентлар: сиёсий тарих, сиёсий иқтисод, физика (2), сигналлар узатиш назарияси, техникавий электр динамикаси ва антенналар, электр қуввати билан ишлайдиган алоқа қурилмалари, автомат электр алоқаси, электронквантли асбоблар, радио алоқа системалари ва қурилмалари;

катта ўқитувчилар: сиёсий иқтисод, ҳисоблаш математикаси (2), чет тили (немис тили), тиллар (рус тили шўъбаси), алоқа техникасидаги ўлчовлар, радио эшиттириш ва телекўрсатув, электр қуввати билан ишлайдиган алоқа қурилмалари, автомат электр алоқаси;

ассистентлар: сиёсий тарих, сиёсий иқтисод, алоқа корхоналарида иқтисод ва режалаштиришни ташкил қилиш, олий математика (2), электр занжирлар назарияси (2), сигналлар узатиш назарияси, алоқа линиялари (2), автомат электр алоқаси, электр алоқасининг рақамли техникаси ва бошқарув системалари, кўпканалли электр алоқаси (2);

ўқитувчилар: чет тили (инглиз тили), тиллар (ўзбек тили шўъбаси).

Танлов муддати — 23 майгача.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: 700084, Тошкент шаҳри, Е-84, Энгельс кўчаси, 108-уй.

ОДАМЛАРУ, ОДАМЛАР, ТОҒДА БИТГАН БОДОМЛАР ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР
«ЁШЛАР УЙИ»
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА РАДИОЭШИТТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
«МУШТУМ» ЖУРНАЛИ
ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ЖАМҒАРМАСИ ҲАМКОРЛИКДА
ажойиб сўз устаси Ҳасан ЙЎЛДОШЕВ хотирасига бағишланган
РЕСПУБЛИКА ЁШ ҚИЗИҚЧИЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ
«ҚИЗИҚЧИ-91» ҚУРИГИНИ
В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
20, 21, 22 МАЙ КУНЛАРИ ЎТКАЗАДИЛАР

Кўрик-конкурсимизда сиз ўзингизга ичак узди латифаларию, ҳангомалари билан қатнашган тили бурро, ўзи зукко ёш қизиқчиларни кашф этасиз ва шу билан бирга «КАМОЛОТ», «НАФОСАТ» ҳамда БОТИР ЗОКИРОВ номидаги ёш эстрада хонандалари конкурслари ғолиб ва совриндорлари ўзларининг дилрабо қўшиқ ва рақслари билан сизни сирли санъат оламига чорлайдилар.

Чипталар сарой кассаларида соат 11.00 дан бошлаб сотилмоқда.

Телефонлар: 45-92-13, 41-45-20.

ВАЗИРЛИКЛАР, БИРЛАШМАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, МУАССАСА ВА ҚЎШМА КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ҲАМДА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!
УРУШ ВА МЕҲНАТ ФАХРИЙЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ КЕНГАШИ ҚОШИДАГИ
«ТАРЖИМОН» ФАХРИЙЛАР ШИРКАТИ

вазирликлар, бирлашмалар, ташкилотлар, муассаса ва қўшма корхоналар ҳамда фуқаролардан рус тилидан ўзбек тилига, ўзбек тилидан рус тилига ва чет тилларга (инглиз, француз, немис тиллари ва бошқа тилларга) таржима учун шунингдек машинкада ёзиб бериш бўйича

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент шаҳри, Фрунзе ноҳияси, Бобур кўчаси, 79«а»-уй, ТЕЛЕФОН: 55-09-82 (14-троллейбус, 7«э», 11«з», 40«э», 77«з», 94«э», 45, 50, 98-автобусларнинг «Салор ариғи» бекати).

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Ш. А. АЛИМОВ НОМИДАГИ ФТИЗИАТРИЯ ВА ПУЛЬМОНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИЛМГОҲИ
— **фтизиатрия** бўйича **кундузги ва сиртқи** АСПИРАНТУРАГА;
— **фтизиатрия** (2) **ва пульмонология** (2) **бўйича** КЛИНИК ОРДИНАТУРАГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
ҲУЖЖАТЛАР:
— АСПИРАНТУРАГА — 1991 йил 1 июнгача;
— КЛИНИК ОРДИНАТУРАГА — 1991 йил 1 августгача ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700086, Тошкент шаҳри, Алимов кўчаси, 1-уй, илмий бўлим. Телефон: 78-07-30.

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ
18 май соат 10.00 да тўқувчилик мутахассислиги бўйича
1941, 1951, 1961, 1971, 1981 йилда битирган муҳандислар билан
ТАНТАНАЛИ УЧРАШУВИ ЎТКАЗАДИ
Учрашув жойи Тошкент шаҳри, Горбунов кўчаси, 5-уй. Телефон 53-06-06.

Корхона, ташкилот, муассасалар раҳбарлари ва аҳоли ДИҚҚАТИГА!
Жумҳурият электромагнит мувофиқлиги маркази Ўзбекистон ССР Алоқа вазирлигининг Давлат алоқа назоратига айлантирилди.

Тошкент машинасозлик олий билимгоҳи ректорати, жамоат ташкилотлари ва сиёсий тарих кафедраси жамоаси доцент А. К. Қаҳҳоровга акаси, уруш ва меҳнат ветерани

Оллоёр ҚАҲҲОРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон радиоси Ёшлар учун эшиттиришлар Бош муҳарририятининг муҳаррири М. Халиловага отаси

Ваҳобжон ТУРСУНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги ҳайъати ва жамоаси катта Фарғона каналини ишлатиш бошқармасининг бош муҳандиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ирригатор

Шарифжон Муродуллаевич МУРОДУЛЛАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент политехника олий билимгоҳининг ректорати, касаба уюшмаси ва энергетика куллиёти жамоаси, билимгоҳнинг «Электр машиналари» кафедраси мудири, доцент

Ҳошим Масутович АСИМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент вилояти ҳудудида кейинги пайтларда халқ таълими муассасаларини қуриш ишлари сезиларли даражада ўзгармоқда. Қурилаётган иншоотларнинг кўркамлиги, ўқувчи ва келажак авлодимиз вакиллари дидига мос тушаётганлиги қувончли ҳол, албатта. Бундай ишларни «Тошвилоятагролойиҳа» лойиҳалаш олийгоҳи меъмор ва муҳандислари рўёбга чиқараётирлар. Олийгоҳ жамоаси буюртмачилардан тушаётган лойиҳа ишларини ўз муддатида бекаму кўст бажармоқдалар.

Суратда: (чапдан ўнгга) бош муҳандис О. Жуманов, бўлим бошлиғи Г. Игушкин, меъмор Н. Аюпов ва лойиҳа бош муҳандиси Д. Зуфаровлар навбатдаги буюртма устида фикр алмашмоқдалар.

Х. МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПРОКУРАТУРАСИДА

ТЕРГОВ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

13 май куни Олой бозорида бир неча йигит нарх-навонинг қимматлигини баҳона қилиб жанжал кўтарди ва тартибсизлик чиқаришга уринди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг ва жамоатчилик вакилларининг фаол аралашуви билан бу уринишларга чек қўйилди. Уч киши ушланди ва улар прокурорнинг рухсати билан қамоққа олинди.

Шаҳар прокуратурасида тергов гуруҳи тузилди. Тергов олиб борилмоқда.

СПОРТ

КУРАШ:
ҒОЛИБЛИК СУПАСИДА

● НАМАНГАНДА Ўзбекистон очиқ чемпионати ўтказилди. Мусобақада жумҳуриятимиз полвонлари қатори турли шаҳарлардан келган спортчилар ҳам ўзаро беллашдилар. Баҳсга пухта ҳозирлик кўрган тошкентлик курашчилар маҳорат кўрсатиб, эътибор қозонишди. Чунончи Ф. Қўчқоров, А. Зуфаров, М. Рўзиев, И. Юсупов, И. Гогаев, А. Иброҳимов, Н. Тарасенко ва А. Телегинлар ғолиблик супасига кўтарилишди. Наманганлик Р. Мамажонов билан самарқандлик А. Қулматовлар ҳам зафар қучишди. Мусобақа СССР халқлари спартакиадасига тайёргарлик босқичи ҳам ҳисобланади.

МЕРГАНЛИК:
НИШОННИ БЕХАТО ОЛИБ

● ТОШКЕНТДА жумҳурият биринчилиги бўлиб ўтди. Хандақ стендига отиш бўйича Олег Лаптев ғалаба қозонди. Риза Малахов билан Рустам Ямбўлатовлар иккинчи ва учинчи ўринларни олишди. Доира стендига отишда Сергей Игнатьев нишонни бехато олиб, 212 очко жамғарди. Унинг бу натижаси халқаро классдаги спорт устаси талабини бажарган, деб баҳоланди. Умумжамоа ҳисобида касаба уюшмалари кўнгилли спорт жамияти мерганлари биринчиликни эгаллашди.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

● ОЛИЙ ЛИГА. Кеча ЦСКА «Спартак» (В), «Металлург» — «Арарат», «Черноморец» — «Спартак» (М) жамоалари учрашувидан кейин мамлакат чемпионатининг навбатдаги тур ўйинларига якун ясалди. Бир кун аввал «Помир» футболчилари москвалик динамочиларни 2:1 ҳисобида ютишган эди. Душанбелик футболчилар 12 очко билан мавқеларини янада яхшилаб олишди. Пахтакорчиларнинг Киев динамочилари билан учрашувда дарвозага иккита жавобсиз тўп киритгани мухлисларга аён. «Пахтакор» очколарини 7 тага етказиб, хавфли зонадан чиқишга интилмоқда. «Металлист» — «Торпедо» ўйинида 0:2 ҳисоби қайд этилди. «Локомотив» — «Динамо» (Мн) учрашуви 2:0 ҳисобида тугади.

● БИРИНЧИ ЛИГА. Фарғона водийси футболчилари навбатдаги учрашувларни сафарда ўтказиб, мавқеларини бироз яхшилашди. Фарғоналик футболчилар Бокунинг «Нефтчи» жамоаси меҳмони бўлиб, 2:0 ҳисобида ғалаба қозонишди. «Навбаҳор» Сухуми динамочилари майдонида (0:0) ўйнади. Ўйинлар жадвалининг кўриниши эса қуйидагича.

	Ю	Д	М	Т	О
Тилигул	4	4	0	10-5	12
Ротор	5	1	1	12-5	11
Буковина	4	2	2	9-4	10
Навбаҳор	4	2	1	6-1	10
Таврия	4	2	2	12-14	10
Текстильщик	4	1	3	11-8	9
Ростсельмаш	3	3	1	8-3	9
Зенит	2	5	1	6-4	9
Динамо Сх	2	5	1	4-2	9
Уралмаш	4	0	4	12-7	8
Локомотив	3	2	2	7-6	8
Геолог	3	2	3	7-8	8
Нефтяник	3	1	3	7-7	7
Қайрат	2	3	2	4-4	7
Зинбрул	1	5	2	4-5	7
Нефтчи	2	2	3	4-8	6
Шинник	2	1	4	8-14	5
Динамо Ст	1	3	4	6-8	5
Факел	1	3	4	3-9	5
Котайк	1	2	4	4-10	4
Пардаугава	1	2	5	3-10	4
Кубань	0	3	4	4-9	3

● СССР КУБОГИ. Утган йили бошланган биллур соврин учун курашнинг ярим финал учрашувлари бўлиб ўтди. 23 июнда бўладиган ҳал қилувчи ўйинда «Торпедо» ва ЦСКА жамоалари учрашадиган бўлишди. Бу йил бошланган курашнинг 1/32 финал учрашуви қатнашчилари орасида қуръа ташланди. 2 июнда «Химик» (Жамбул) — «Автомобилист» (Қўқон), эртаси куни «Навбаҳор» (Наманган) — «Мелиоратор» (Чимкент) жамоалари майдонга тушадиган бўлишди.

● ИККИНЧИ ЛИГА. Шарқий минтақа жамоалари ўртасида бўлиб ўтган учрашувлардан кейин «Океан» ва «Олга» футболчилари 12 тадан очко билан олдинда боришмоқда. Жумҳуриятимиз жамоаларидан «Сўғдиёна», «Нурафшон», «Косонсойчи» футболчилари кучли ўнликдан жой олиб туришибди.

ЎЗТАГ ТУЗАТИШИ

Газетанинг 14 май сонида босилган «Ўзбекистон ССР Конституция комиссиясининг иш гуруҳида ҳамда республика Олий Кенгашининг қўмиталарида» сарлавҳали хабарда ноаниқликка йўл қўйилган. Комиссия мажлиси, хабарда берилганидек, 12 майда эмас, балки 12 апрелда бўлган.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 31-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-41 51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583. Буюртма № 5381.

№ 91. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП. Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12